Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2021-yil
28-yanvar
payshanba

№ 4 (4490)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

## КУРСАНТЛАР АМАЛИЁТГА КИРИШДИ



**ИИВ Академиясининг кундузги таълим учинчи босқичида таҳсил олаётган курсантлар ҳудудий ички ишлар органларида малакавий амалиёт ўташга киришди. Уч йил мобайнида жиноят қидирув, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, эксперт-криминалистика, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, хизмат фаолиятини психологик таъминлаш каби йўналишлар бўйича таҳсил олган йигит-қизлар жорий йилнинг 24 апрель кунига қадар эгаллаган назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлашади.**

6



САРҲИСОБ

# МАСАЛАЛАР МАҲАЛЛАЛАР КЕСИМИДА ЕЧИМ ТОПАДИ



**Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармасида 2020 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда жорий йил режалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Ғайрат Қодиров сўзга чиқиб, дастлаб ички ишлар органларини эл манфаатларига хизмат қиладиган том маънодаги халқчил тизимга, маҳаллаларни эса хавфсиз ҳудудга айлатиришга қаратилган ислоҳотларни тилга олди. Чунончи, вилоятда профилактика инспекторлари сони 46 фоизга оширилган. Яна ҳам аниқроғи, ҳар бир маҳалла ўз профилактика инспекторига эга бўлди.**

Натижада ўтган йил давомида вилоятдаги 295 та маҳалланинг 154 тасида бирорта ҳам жиноят содир этилмаган. 61 тасида эса қонунбузарликларни камайтиришга эришилган: 2019 йил билан қиёсланганда, вилоятда умумий жиноятчилик 3,3 фоизга, жиноят қидирув йўналишидаги жиноятлар 5,6 фоизга қисқарган.

Жиноятларни фош этиш даражаси ҳам ошган. Бинобарин, аввалги йилларда очилмай қолган 37 жиноят тезкор қидирув йўллари билан фош қилинди. Бу даврда 111 нафар қидирувдаги шахс ушланган. Қайта жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари пробация хизмати назорати остида бўлган 2 минг 267 нафар шахснинг барчаси ишга жойлаштирилган.

Улардан 41 нафарига имтиёзли кредит, 393 нафарига моддий ёрдам ажратилишида, 33 нафарига соғлиғини тиклашда кўмак кўрсатилган. Ушбу шахсларнинг психологик портретлари ишлаб чиқилиб, тоифаларга бўлинган. Яъни, жиноят содир этишга мойиллар, жиноят содир этиш хавфи юқори бўлганлар ва тўлиқ тузалиш йўлига кирганларга мос тарзда иш юритилмоқда.

Йиғилишда Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Азиз Икромов сўзга чиқиб, Президентимиз Мурожаатномасида кўтарилган масалалар асосида ички ишлар органлари ходимлари бажариши лозим бўлган вазифалар тўғрисида атрофлича сўз юритди. Маҳаллалар кесимида профилактик тадбирларни кучайтириш йўли билан ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни кескин камайтириш, ички ишлар органлари ва маҳалла институтининг ҳамкорлигини кучайтириш, ўрта бўғиндаги раҳбарлар малакаси ва масъулиятини ошириш каби масалалар юзасидан фикр билдирди.

Шундан сўнг жиноятчилик ошишига йўл қўйилган ҳудудий ички ишлар органлари ҳамда соҳавий хизматлар фаолиятига баҳо берилиб, бир қатор масъуллар ўз лавозимидан озод қилинди. Тадбирда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим масалаларга эътибор қаратилди ва криминоген вазияти оғир маҳаллаларга вилоят ички ишлар бошқармаси масъулларини бириктиришга келишиб олинди. Йиғилиш якунида 2021 йилнинг устувор вазифалари белгиланди.

Шу куни Ички ишлар вазирининг ўринбосари Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасида барпо қилинган иншоотлар билан танишди. Жумладан, вилоят ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси, тезкор маълумотлар бўлими ҳамда мини футбол майдони ва қурилиши тез кунларда якунланадиган эксперт-криминалистика бўлими биносини кўздан кечирди.

Шунингдек, Азиз Икромов жиноятчилик ошган Жиззах шаҳридаги «Тошлоқ» ҳамда Шароф Рашидов туманидаги «Қаҳрамон» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, ҳудудда жиноятларнинг барвақт олдини олиш борасида ички ишлар органлари ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар сифатини ўрганди. Ҳолатни яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар берди. Вазир ўринбосари 2020 йилда фойдаланишга топширилган Пахтакор тумани ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими маъмурий биносидаги шарт-шароитлар билан ҳам танишди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*

# АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛИ

**Хоразм вилояти ИИБда ҳам ўтган йилда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жиноятларнинг барвақт олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Даврон Назармухамедов сўзга чиқиб, ўтган йилда вилоят ички ишлар органлари ходимлари эришган ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилган камчиликларга ҳам батафсил тўхталиб ўтди. Шундан сўнг хизмат фаолиятини ташкил этишда сусткашликка йўл қўйган ҳудудий ва соҳавий ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Йил якунига кўра, салбий кўрсаткичларни қайд этган ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди, шунингдек, хизмат вазифаларини бажаришга виждонан ёндашиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган ходимлар эътироф этилди. Жумладан, ИИВ Хоразм академик лицейи директори, подполковник Р. Машариповга навбатдаги «полковник» махсус унвони, подполковниклар Қ. Ўринбаев ҳамда З. Ўразбаевларга «Тезкор хизмат аълочиси» кўкрак нишонлари топширилди.

Анжуманда Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Р. Хатамов сўзга чиқиб, бугунги кунда асосий вазифа ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходим халқ манфаатларига хизмат қилишни ўз хизмат бурчи, деб биладиган профессионал тузилмага айлантириш, бунинг учун эса интеллектуал ва профессионал билим даражаси, маънавий-ахлоқий савияси юқори бўлган кадрларни тайёрлаш бўйича сифат жиҳатидан янги тизим жорий этилганини алоҳида таъкидлади.



Тадбир якунида жорий йилда вилоят ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Полковник Р. Хатамов, шунингдек, ИИВ Хоразм академик лицейига ташриф буюриб, ўқувчиларнинг таълим олиши учун яратилган шароитлар ҳамда таълим дастурлари билан танишди. Лицей ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда лицейнинг бир гуруҳ фаол ўқувчиларига эсдалик қўл соатлари, фахрий ёрлиқлар ҳамда бадиий китоблар тўплами, фарзандлари тарбиясига алоҳида эътибор берган ота-оналарга ҳам Миннатдорлик хати ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ички ишлар вазири ўринбосари вилоятда қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштириш бўйича тузилган ишчи гуруҳ фаолиятини ўрганиш мақсадида Урганч шаҳридаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейида бўлди.

Шунингдек, вазир ўринбосари вилоят ички ишлар органларининг бир гуруҳ ёш ходимлари билан учрашди ҳамда бугунги кунда республика ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, ходимларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя



қилишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил тўхталди.

Тадбирда иштирок этган ёш ходимлар вазир ўринбосарига ўз таклиф ва истакларини билдиришди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган учрашувлар якунида намунали хулқи, касбига садоқати билан барчага ўрнак бўлаётган бир гуруҳ фидойи ёш ходимларга фахрий ёрлиқлар, бадиий китоблар тўплами топширилган бўлса, яна бир гуруҳ ходимларнинг ота-оналарига Миннатдорлик хати ва эсдалик совғалар берилди. Тадбирда вилоят ички ишлар органлари билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётган Ёшлар иттифоқи вилоят кенгашининг масъул ходимларига ҳам фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Зокир ИСМОИЛОВ.**
**Худойберган ЖАББОРОВ.**
*Хоразм вилояти.*

САРҲИСОБ

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Б. Мирзараҳимов Навоий вилояти ИИБга ташрифи чоғида дастлаб 11-сон ЖИЭКда бўлиб, шахсий таркиб ҳамда ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлашди, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга яратиб берилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.**

# ХАТОЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ



Сўнг 4-сон ЖИЭКда жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга инсонпарварлик далолатномаларининг ўз вақтида қўлланилиши, мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришлар хусусида тушунчалар берилди. 5-сон ЖИЭКда ходимлар ҳамда ҳарбий назоратчилар билан суҳбат ҳам самимий кечди. Маҳкумлар билан колония маданият саройида учрашув ташкил этилди. Мазкур тадбирнинг узвий давоми сифатида 7532-сонли ҳарбий қисмда ҳам учрашув бўлиб ўтди.

Вилоят ИИБда ўтказилган йиғилиш эса йил сарҳисобига бағишланди. Тадбир аввалида вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Р.Турсунов ўтган йил давомида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» фош этиш борасида амалга оширилган ишлар хусусида маълумот берди. Шунингдек, эришилган ютуқлар билан бир қаторда, айрим шаҳар-туманлар кесимида йўл қўйилган камчиликлар туфайли жиноятчилик сони ошганлиги танқид остига олинди.



Йиғилишда вазир ўринбосари жорий йилда тизим олдида турган энг асосий вазифалар ва йўл қўйилган камчиликлардан хулоса чиқариб, уларни ўз вақтида бартараф этиш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, ҳудудларда профилактик тадбирларни кенг қамровда ташкил этиш, ходимларнинг хизмат интизоми ва қонунийликка қатъий амал қилишини таъминлаш, уларни ижтимоий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини берди.

Йиғилиш давомида шаҳар-туман бошлиқларининг ахборотлари тингланди. Хусусан, Хатирчи, Кармана туманлари ҳамда Навоий шаҳри мисолида жиноятчилик кўрсаткичлари таҳлилига мувофиқ, йўл қўйилган камчиликлар сабаб, ҳуқуқбузарликлар сони ортганлиги кенг муҳокама қилинди. Барча ходимларга муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилиб, галдаги устувор вазифалар белгилаб олинди. Йиғилиш якунида ўз хизмат вазифаларга сидқидилдан ёндашган ҳолда фаолият олиб бораётган бир гуруҳ фидойи ходимлар вазир ўринбосари томонидан ташаккурномалар билан тақдирланди.

**Ўктам УСМОНОВ,**
**Вилоят ИИБ Ахборот хизмати раҳбари, катта лейтенант.**

МУНОСАБАТ

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

**Охирги тўрт йил ичида ушбу соҳада чуқур таҳлилий ва тизимли ёндашувга асосланган, узоқ муддатга мўлжалланган, аниқ манзилли ҳамда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари доирасини янада кенгайтириш, яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган 3 та қонун, Президентимизнинг 5 та қарори, Ҳукуматнинг 8 та қарор ва фармойиши, 14 та бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.**



Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йил 17 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган «Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари қоидалари» миллий қонунчилигимизга имплементация қилинди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этиб, жазо муддатини ўтаётган шахсларга илк маротаба сайлаш ҳуқуқи берилди.

Ёпиқ турдаги муассасаларда сақланаётган шахсларнинг яқин қариндошлари билан телефон сўзлашувлари, учрашувлари ва жўнатма қабул қилишлари сони қарийб икки баробарга кўпайтирилди. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг розилиги билан уларга психологик ёрдам кўрсатилиши ҳамда руҳий ҳолати бузилган вақтда содир этилган тартиббузарлиги учун интизомий жазо чоралари қўлланилмаслиги кафолатланди.

Шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож жазо муддатини ўтаётган шахсларни Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасаларига жойлаштирилиши, шунингдек, манзил-муассасаларда жазо муддатини ўтаётганларнинг пенсия олиш ҳуқуқлари қонун билан белгиланди. Маҳкумларни рағбатлантириш чораларини қўллаш тартибини белгиловчи янги норма Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига киритилди. Маҳкумларнинг жазо муддатини ўташ давомида шахсий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар кенгайтирилди.

Вояга етмаган тарбияланувчиларнинг ота-оналари билан учрашувларига бўлган чекловлар қонун билан бекор қилинди. Маҳкума аёлларнинг вояга етмаган фарзандлари билан учрашувларининг алоҳида тартиби белгиланди. Маҳкумларнинг илтимосига кўра узоқ муддатли учрашув қисқа муддатли учрашувга ёки масофали видео-учрашувга ёхуд телефон орқали сўзлашувга, қисқа муддатли учрашув эса масофали видео-учрашувга ёки телефон орқали сўзлашувга алмаштирилиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 декабрдаги фармойишига мувофиқ жазони ижро этиш муассасаларида реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, эскирган бино ва иншоотлар ўрнида янгилари қурилиб, фойдаланишга топширилди.



Жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг мавжуд муаммоларини ўрганиш ва ижобий ҳал қилиш мақсадида, ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси томонидан сайёр қабуллар ўтказилиши йўлга қўйилган. Шунингдек, барча жазони ижро этиш колонияларида Омбудсманга, прокурорга мурожаатларга, ариза ва шикоятларга мўлжалланган алоҳида почта қутилари ўрнатилган. Қонунларга риоя этилиши прокуратура идоралари ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан мунтазам равишда мониторинг қилиб борилмоқда.

Аҳлоқан тузалишнинг энг самарали усули – маҳкумларни касбга ўргатиб, уларни иш билан таъминлашдир. Шу боисдан янги иш ўринлари яратилиб, меҳнатга лаёқатли маҳкумларнинг 85 фоизи учун ишлашига муносиб шароитлар яратилди.

ИИВ жазони ижро этиш тизимида келгусида бир қатор вазифаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Жумладан, жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг яшаш шароитларини янада яхшилаш мақсадида, барча ёпиқ турдаги муассасалардаги мавжуд ётоқхона бинолари кубрик типига босқичма-босқич мослаштирилиб, интерактив видеокузатув мосламалари ўрнатилади ҳамда ходимларни шахсий видеорегистраторлар (боди-камера) билан хизмат ўташлари жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасига мувофиқ, халқаро стандартлардан келиб чиқиб, 25 та манзил-колония босқичма-босқич қисқартирилди. Биринчи марта озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахслар жазони енгилроғи билан алмаштириш тартибида тўғридан-тўғри пробация назоратига ўтказилади.

Шунингдек, жазонинг ўталмаган муддатини енгилроқ жазо билан алмаштириш ва жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномаларни киритиш ваколати жазони ижро этиш органидан Инсонпарварлик комиссиясига ўтказилади.

Бунинг натижасида жазони ижро этиш тизими инсонпарварлик тамойилига янада мувофиқлаштирилади. Қолаверса, ҳозир манзил-колонияларда жазо ўтаётган шахсларга ўз маҳалласи назорати остида, оиласи бағрида бўлиш имконияти яратилади. Уларни иш билан таъминлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида зарур чоралар кўрилади. Бу ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда кенг жамоатчиликнинг ролини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Шаҳризод ШОКИРОВ,**
**ИИВ ЖИЭББ Ахборот хизмати раҳбари, лейтенант.**

ЖАРАЁН



# ИНСОН ШАЪНИ УЛУҒЛАНАЁТГАН ЮРТ

**Мамлакатимизда инсон шаъни, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлашга юксак эътибор қаратилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар бунинг тасдиғидир.**







Маълумки, бундан 28 йил муқаддам қабул қилинган ва замон талабларига жавоб бермайдиган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2020 йилнинг 13 март куни матбуотда эълон қилинди.

Ҳажман олганда, янги таҳрирдаги қонун 10 та боб, 58 та моддадан иборат. Қонун қабул қилиниши натижасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тартиб-таомиллари либераллаштирилди ҳамда боланинг фуқаролик соҳасидаги ҳуқуқлари мустаҳкамланди; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тан олинди; ватандошларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига соддалаштирилган тартибда қабул қилинишини тартиби белгиланди; фарзандликка олинган ва ота-онасининг фуқаролиги ўзгарганлиги бўйича боланинг фуқаролиги ўзгариши нормаларига аниқ тушунчалар берилди.

Энг муҳими, янги қонунга 1995 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий рўйхатдан ўтиб, фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномаси билан яшаб келаётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш тартиби киритилди. Яъни, қонуннинг 6-моддасига кўра, 1995 йил 1 январга қадар мамлакатимиз ҳудудига кириб келган ва доимий пропискадан ўтган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ҳамда ушбу қонун кучга киргунига қадар фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси асосида яшаб келаётган шахс истак билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиниши белгиланди.

Бунинг учун ушбу тоифага тушувчи фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига тан олиш масаласида ўзларининг доимий рўйхатда турган жойидаги ички ишлар органига мурожаат қилиб, ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этишлари лозим:

– сўровнома (анкета кўринишида);

– яшаш гувоҳномаси;

– никоҳ тузилганлиги ёки никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

– аризачининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотнома (мавжуд бўлса);

– давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Шунингдек, юқорида санаб ўтилган ҳужжатлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1995 йил 1 январга қадар доимий рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам тақдим этилади. Масъул ходим томонидан ушбу ҳужжатларнинг қонунийлиги ўрганиб чиқилади.

Ҳозиргача 1995 йил 1 январга қадар республикамизга кўчиб келиб, доимий рўйхатдан ўтган 22 мингдан ортиқ фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига тан олиш бўйича ҳужжатлари кўриб чиқилиб, улардан 19 мингдан ортиғини Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти билан ҳужжатлаштириш чоралари кўрилди. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тан олинган шахсларга фуқаролик паспортлари тантанали равишда топширилди.

Муҳтарам Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида фуқароликнинг йўқлиги тенг ҳуқуқлилик, ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига, қатор ижтимоий муаммоларга олиб келиши қайд этилди. Шунингдек, фуқаросизликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш мақсадида 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ва бошқа давлат фуқаролигини қабул қилмаган фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узлуксиз 15 йил давомида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатда туриб, Ўзбекистон Республикасида фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси ёки идентификация ID-картаси асосида яшаб турган ва чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш таклиф этилди.

Ҳозирда Мурожаатнома ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2005 йил 1 январга қадар мамлакатимиз ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган 20570 нафар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олинади. Шунингдек, ҳар йили тахминан 1500 нафар фуқаролиги бўлмаган шахснинг республика ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган муддати 15 йил тўлишини инобатга олсак, ушбу тоифадаги шахсларни ҳам Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш имконияти яратилади.

Фуқароликнинг йўқлиги тенг ҳуқуқлилик, ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига, қатор ижтимоий муаммоларга сабаб бўлади. Шу боис мамлакатимизда фуқаросизликни қисқартириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар халқаро ташкилотлар ва кенг жамоатчилик томонидан юксак эътироф этилиб, бутун дунё ҳамжамиятида Ўзбекистон нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда.

**Ҳасан ТУРҒУНОВ,**
**ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси инспектори, катта сержант.**

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# «ОСУДА ТУНЛАР УЧУН МАСЪУЛМИЗ!»

## дейди «Шуҳрат» медали соҳиби, сафдор Шокиржон Кенжаев

**Яқинда Юртбошимизнинг фармонига кўра, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан бир гуруҳ ички ишлар органлари ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Шундай бахтли инсонлар орасида Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири, сафдор Шокиржон Кенжаев ҳам бор.**





Қаҳрамонимизни Фарғона шаҳри марказида ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда тунги хизмат пайтида учратдик.

Соат 21:30 лар чамаси. Сафдор Шокиржон Кенжаев Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси билан ҳамроҳликда Фарғона шаҳрининг Аҳмад ал-Фарғоний кўчаси бўйлаб келаётган экан.

– Тизимда иш бошлаганимга 20 йил бўлди, – дейди Шокиржон самимий жилмайиб. – Шундан бери халқ билан ҳамнафасман. Ҳар қандай вазиятда ҳам зиммамга юклатилган вазифани бекаму кўст бажаришга ҳаракат қилдим. Ўтган йиллар давомида эл-юрт осойишталигини таъминлашга, Ватанимиз равнақига озми-кўпми ҳиссам қўшилган бўлса, демак, бахтли одамман.

Сафдор Шокиржон Кенжаевни шаҳарнинг шу ҳудудида яшайдиган, ишлайдиган, бозорда савдо ва тадбиркорлик билан шуғулланадиган фуқароларнинг аксарияти яхши танийди. Доим кулиб турадиган, лекин тартиб-интизомни жой-жойига қўйиб ишлайдиган бу ходим хизмат жараёнида қатор ютуқларни қўлга киритиб келмоқда.

Масалан, 2020 йилда кўча ва жамоат жойларида бемақсад юрган ҳамда шубҳали кўринган 2375 нафар шахсни ички ишлар органларига профилактик суҳбат учун олиб борди. Суҳбат жараёнида ушбу фуқаролардан 556 нафарининг турли хилдаги ҳуқуқбузарлик содир этгани маълум бўлди ва қонуний чора кўриш учун профилактика инспекторлари ва ЙПХ ходимларига топширилди.

Бундан ташқари, қаҳрамонимизнинг саъй-ҳаракати билан 38 нафар дайдилик ва тиламчилик қилиб юрган шахс муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказига, 27 нафар қаровсиз ва назоратсиз қолдирилган вояга етмаган тегишли органларга топширилди. Жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилган 49 нафар шахс эса ички ишлар органлари таянч пункти ҳамда наркология диспансерига олиб борилди.

Ш. Кенжаев кўплаб жиноятларни фош этишга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, ўтган йилда хизмат ҳудудида содир этилган 3 та жиноятни «иссиқ изида» фош этишга эришди. 7 та ҳолатда содир этилган жиноятларнинг фош этилишида бевосита иштирок этди. Икки нафар қидирувдаги шахсни ушлади.

– Фарғона шаҳри яна ҳам чирой очмоқда, – дейди қаҳрамонимиз Аҳмад ал-Фарғоний кўчасида қурилган муҳташам биноларга фахр билан термулиб. – Юртимизда олиб борилаётган бу каби ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларини кўриб фахрланиб кетаман.

Шаҳримиз кўчалари тунда янада тароватли кўринади. Қаранг, кўча ва хиёбонларда фуқароларимиз хотиржам, эмин-эркин сайр қилишмоқда. Бу хотиржамликнинг боиси юртимиздаги тинчлик ва барқарорликдир. Шундай паллаларда ана шу улуғ неъмат, яъни тинчликни таъминлашга ҳисса қўшаётганимдан ғурурланаман.

Шокиржон Кенжаев Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида туғилиб вояга етган. Ички ишлар органларида хизмат фаолиятини бошлагач, Фарғона шаҳрига оиласи билан кўчиб келди. Ҳозирда турмуш ўртоғи билан ҳамжиҳатликда уч нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишмоқда.

Ўғли Муҳаммадазиз Ҳусанов ҳозирдан ота касбига меҳр қўйган. Келажакдаги орзуси ички ишлар органлари ходими бўлиш.

Ҳар куни заминга тун чўкиб, одамлар кўчадан уйларига қайтаётган, ором ва ҳаловат истаётган пайтда қаҳрамонимиз эл хизматига отланади. Бунга унинг турмуш ўртоғи ҳам, фарзандлари ҳам аллақачон ўрганиб қолишган. Оқ йўл тилаб кузатиб қолишади. Улар бундан хафа бўлишмайди, аксинча, фахрланишади. Чунки уларнинг отаси кўчада бедор юргани учун минглаб одамлар хотиржам дам олишади.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

ХИЗМАТЛАРДА

# ЎЗ ВАҚТИДА, БЕКАМУ КЎСТ

**ИИВ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси «GM Uzbekistan» АЖ маҳсулотларини кузатиш батальони 4-отряди шахсий таркиби томонидан 2020 йил давомида 547 та поезд билан 9052 та юк вагони кузатилди. Шулардан автомобиллар юкланган 1530 та вагон ва эҳтиёт қисмлар юкланган 7522 та вагон-контейнер отряд ходимлари томонидан кузатилиб, белгиланган манзилларга ўғирлик ва талон-торожликка йўл қўйилмасдан бекаму кўст етказиб берилди. Шунингдек, 21 та турли хил маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.**



Аҳоли билан олиб борилаётган профилактик тадбирларга қарамасдан, маст ҳолда темирйўлларда ҳаракатланиш, юк вагонларига чиқиш, белгиланмаган жойдан ўтиш каби ҳуқуқбузарликлар содир этилаётгани афсусланарли ҳол. Негаки, айрим фуқароларнинг темирйўл қоидаларини била туриб бузиши, амал қилмасликлари қайғули оқибатларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, ўтган йилнинг 22 декабрь куни соат 12:50ларда «Чуқурсой–Солар» йўналишида бахтсиз ҳодиса рўй берди. Шу вақтда ҳаракатланиб кетаётган 1250-сонли юк поезди машинисти икки рельс оралиғида юриб кетаётган фуқарони кўриб қолади. Уни йўлдан чиқиш бўйича сигнал чалиб қанча огоҳлантирмасин, фуқаро эшитмайди. Оқибатда поезд уни уриб юборади. Фуқаро воқеа жойида вафот этади.

Суриштирувларда аниқланишича, 1988 йил туғилган, Тошкент вилояти Оҳангарон туманида яшовчи фуқаро Н.Р. ўша пайтда қулоқчин тақиб, телефонда нимадир эшитиб кетаётган бўлган.

Бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида отряд ходимлари бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда темирйўлга яқин жойлашган ҳудудларда яшайдиган аҳоли билан учрашиб, тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Давлат мулкига зарар етказмаслик, ўз ҳаётини хавфга қўймаслик сўралмоқда.

Шахсий таркибнинг билим савиясини ошириш диққат марказимизда. Шу мақсадда доимий равишда ўқув машғулотлари ўтказиб келинмоқда. Кунлик йўриқномаларда хизмат интизоми ва қонунийликка қатъий риоя этиш, таъмагирлик, товламачилик ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Уйида муаммоси бўлмаган, оиласидан хотиржам бўлган ходимгина хизматни кўнгилдагидек адо этади, самарадорликка эришади. Шу маънода ходимларимизнинг руҳий ва ижтимоий ҳолатини яхшилаш, муаммоли вазиятларга барҳам бериш мақсадида 29 маротаба уларнинг оилавий шароити ўрганиб чиқилди. Хуллас, отряд ходимлари юкларнинг ўз вақтида, бус-бутун манзилига етиб бориши йўлида фидойилик билан хизмат олиб боришмоқда.

**Абдулазиз МИРҲАЙДАРОВ,**
**ИИВ Транспортда ХТББ «GM Uzbekistan» АЖ МКБ 4-отряди командири, майор.**

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

# КУРСАНТЛАР АМАЛИЁТГА КИРИШДИ

**Давр талаби даражасида мутахассис тайёрлашнинг муҳим мезонларидан бири таълимни назария ва амалиёт уйғунлигида олиб бориш саналади. ИИВ Академиясида ҳам курсантларнинг билим салоҳиятини амалий кўникмалар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади.**



**ИИВ Бухоро академик лицейида 41 нафар курсант ва уларнинг ота-оналари иштирокида учрашув ўтказилди. Тадбирда вилоят ички ишлар органлари маъсул раҳбарлари, фахрийлари, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, Нуронийлар жамғармаси вакиллари қатнашди.**

Учрашувда сўзга чиққанлар курсантларга хизмат интизоми ва қонунчилик талабларига риоя қилиш, фуқароларга нисбатан хушмуомалада бўлиш, хизмат вазифаларига кирмайдиган ишларга аралашмаслик, амалиётни белгиланган тартибда ўташ, ички ишлар органлари ходимига хос бўлмаган ва унинг обрўсига путур етказувчи ноўрин хатти-ҳаракатлар содир қилмасликларини таъкидлашди. Шунингдек, курсантларнинг ота-оналарига фарзандларининг малакавий амалиёт ўташ давомида уларни доимий равишда назорат қилиб бориш учун амалий ёрдам беришлари сўралди. Малакавий амалиёт даврида курсантларга табель қуроллари, махсус воситалар ва анжомлар, махфий ҳужжатлар, хизмат автотранспорт воситалари бириктирилиши, шахсий ёки хизмат автоуловларини бошқариш қатъиян тақиқланиши уқтирилди.



Малакавий амалиётга жалб этилган курсантлар ИИВ Академиясида таҳсил олаётган мутахассисликлари бўйича «стажёр-терговчи вазифасини бажарувчи», «стажёр-тезкор вакил вазифасини бажарувчи», «стажёр-профилактика инспектори вазифасини бажарувчи» ва «стажёр-эксперт-криминалист вазифасини бажарувчи», «стажёр-йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори вазифасини бажарувчи», «хизмат фаолиятини психологик таъминлаш вазифасини бажарувчи» лавозимларига тайинланиб, уларга катта амалий иш тажрибасига эга бўлган ходимлардан мураббийлар бириктирилди.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Бухоро вилояти.*



Сирдарё вилояти ИИБда ИИВ Академиясининг 3-курсида тергов, жиноят қидирув, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва эксперт криминалистика йўналишлари бўйича таълим олаётган курсантлар амалиёт ўташга киришди. Курсантларнинг назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштириш ва бойитиш мақсадида уларга тажрибали ички ишлар органлари ходимлари мураббий сифатида бириктирилди.

Курсантларнинг уч ойдан ортиқ давом этадиган амалиёт ўташ режасидан тарғибот ва ташвиқот тадбирлари, турли учрашувлар ва бошқа бир қатор маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўрин олган.

— Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, содир этилган ҳуқуқбузарликларни фош этиш соҳа вакилидан, албатта, тажриба ва малака талаб этади, — дейди вилоят ИИБ Кадрлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, касбий тайёргарликни ташкил этиш бўлими бошлиғи, майор Жаҳонгир Мухторов. — Шу мақсадда ҳар йили ИИВ Академиясининг битирувчи курс тингловчилари олийгоҳда олган билимларини амалиётда тўғри қўллаш, касб сирларини пухта ўрганиш учун жойларда амалий машғулотлар ўтайди. Бунда бўлғуси соҳа ходимларининг касбий маҳорати, жисмоний ва жанговар шайлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

— Ички ишлар органи ходими бўлишдек шарафли касбни танлаганимдан фахрланаман, — дейди ИИВ Академияси курсанти Шаҳзод Сапаров. — Зиммамизда пухта билим олиб, касбий, жанговар ва жисмоний кўникмаларни мукаммал ўзлаштириш, замонга мос қадам ташлаш, нафақат касбий, балки маънавий жиҳатдан ҳам етук бўлишдек масъулиятли вазифалар турибди. Амалиёт ўқув жараёнларида олган назарий билимларимизни мустаҳкамлаш, келгусида хизмат фаолиятини олиб борадиган ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ.**
*Сирдарё вилояти.*

**Навоий вилояти ИИБда курсантларга амалиёт раҳбари сифатида лавозимида камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали ходимлар бириктирилди.**



Навоий вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник И. Тиллаев раҳбарлигида йиғилиш ўтказилиб, курсантлар битирув малакавий иши олди амалиётини ўташ тартибига доир умумий йўриқномалар билан таништирилди. Уларга ўрнатилган тартибга ҳамда амалиётни ўташ қоидаларига, ўқув ва хизмат интизомига қатъий амал қилишлари лозимлиги таъкидланди.

– Машаққатли, шу билан бирга шарафли касбнинг юкини зиммасига олаётган курсантлардан ҳозирда, энг аввало, намунали тартиб-интизом ҳамда битирув малакавий амалиёти дастурини муваффақиятли бажариш талаб этилади, – дейди полковник И. Тиллаев. – Улар учун соҳа фаолиятига оид кўникмаларини янада ошириши, мутахассислик бўйича мустаҳкам касб маҳоратини эгаллаши ва такомиллаштириши, ижтимоий, тарбиявий ва ташкилотчиликка доир тажрибага эга бўлиши ҳам аҳамиятлидир.

Шунингдек, йиғилиш давомида амалиёт раҳбарларига бир қатор вазифа ва топшириқлар берилди. Масъуллар Янги Ўзбекистон учун янгича дунёқарашга эга бўлган ёшларни тарбиялашда билдирилган ишончдан мамнун эканлигини изҳор қилишди.

**Ғайрат ҲАСАНОВ,**
**подполковник.**
*Навоий вилояти.*

**Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ИИОФМБда амалиёт ўтаётган бир гуруҳ курсантларга хизматда тажриба орттирган ва бой малакага эга соҳавий хизматлар ходимлари мураббий этиб бириктирилди. Курсантлар амалиёт жараёнида фуқаролар билан муомала қилиш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, содир этилганларини «иссиқ изида» очиш, ҳужжатлар билан ишлаш ва бошқа соҳага оид билим ва кўникмаларга эга бўлишмоқда.**

– Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Лекин ҳаётга юзаки қараш, қонунларни менсимаслик ва бошқа омиллар туфайли инсон билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолиши мумкин. Амалиёт жараёнида терговчининг асосий мақсади, фақатгина жиноятларни фош этиш эмас, балки унинг келиб чиқиш сабабларига ҳам эътибор қаратиш зарурлигини ўрганаяпмиз, – дейди **курсант Наргиза Хатамова**.



– Ички ишлар органлари ходимларига фуқаролар кўпинча ҳуқуқий ва бошқа масалаларда ёрдам сўраб мурожаат қилади, – дейди **курсант Матчонбой Худойбердиев**. – Шу боис биздан келгусида қонунчиликда рўй бераётган янгиликлардан мунтазам равишда хабардор бўлиш талаб этилади. Бундан ташқари, мамлакатимиз ва дунё миқёсида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳам етарлича билимга эга бўлишимиз зарур.

**Ўз мухбиримиз.**



НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ

# За медалями – упорный труд

**В эти дни старший инспектор профилактики УКД ОВД по г. Самарканду майор Эркин Казимов продолжает получать поздравления. Указом Президента Республики Узбекистан «О награждении группы военнослужащих и сотрудников правоохранительных органов в связи с 29-летием Вооруженных Сил Республики Узбекистан и Днем защитников Родины» он был награжден медалью «Содиқ хизматлари учун».**



Эркин Исраилович посвятил более двадцати лет службе профилактики, его знают многие жители Самарканда. Он был инспектором профилактики в более чем десяти махаллях города и сейчас продолжает нести службу в одной из старейших, расположенной в исторической части города, – махалле Сайхун.

– Служба – дело всей моей жизни, – говорит Эркин Казимов. – Я продолжатель третьего поколения династии. Когда-то дед, Хасан Курбонов, и отец, Исроил Казимов, служили в органах. Помнится, как в детстве вечерами папа рассказывал, как прошел его день. Слушая его, я понимал, что он защищает людей, порой спасает их жизни, и все зависит от профессионализма, способности принять правильное и своевременное решение. Ошибиться нельзя, так как ценой ошибки может быть человеческая судьба.

Службу в органах внутренних дел Эркин Казимов начал в 1993 году, сразу после армии. Он поступил в конвойный взвод УВД области, с 2000 года опытного сотрудника назначили инспектором профилактики в махаллю Катта арык.

В практике героя нашего повествования было немало интересных моментов, связанных с раскрытием убийств и грабежей. Однажды на вверенной ему территории был обнаружен труп мужчины, которого ударили железной арматурой и перевезли на тележке в соседнюю махаллю. По спецодежде определили, что убитый был охранником одного из крупных предприятий города. Но преступник не стал грабить, он просто убил человека и перевез его. Факт удивил сотрудников, так как обычно убивают с целью грабежа. Следствие показало, что причиной была месть.

Или недавний случай, когда мужчина оставил в салоне своей машины дорогой сотовый телефон и деньги. Неизвестный, разбив стекло, забрал деньги, телефон и скрылся с места преступления. Камеры видеонаблюдения не зафиксировали личность преступника. Тогда Эркин Казимов решил собрать всех ранее судимых. Один из них зашел в кабинет с перевязанной рукой. Инспектор профилактики заподозрил, что, возможно, он поранил руку в тот момент, когда разбил стекло автомобиля. Мужчина признался, что ему нужны были деньги, и он решил их «заработать» таким образом.

Сейчас Эркин Исраилович опекает молодых инспекторов профилактики, передает им свой богатый опыт.

– Хочу выразить глубокую благодарность руководству страны, МВД, УВД области за оказанное доверие, за честь быть отмеченным высокой государственной наградой. Это – оценка работы не только моей, но и всего нашего коллектива. Заверяю, что буду прикладывать еще больше усилий для того, чтобы на территории моей ответственности, как и стране в целом, царили мир и покой, – подчеркнул старший инспектор профилактики УКД ОВД по г. Самарканду майор Эркин Казимов.

**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**
*Самаркандская область.*

ПЕРЕДАННЫЕ СВОЕМУ ДЕЛУ

# Принять верное решение

**За сутки в дежурную часть ГУВД г. Ташкента на короткий номер «102» поступает более 1 000 звонков со всех уголков столицы. Главная задача сотрудников – оперативно и в полном объеме донести полученную информацию до нарядов органов внутренних дел, чтобы в кратчайшие сроки преступления были либо предотвращены, либо раскрыты по горячим следам.**



Одним из образцовых сотрудников подразделения является начальник смены дежурной части ГУВД г. Ташкента подполковник Рустам Адылов. Более 20 лет он служит в органах внутренних дел.

Спорт играет важную роль в жизни героя нашего повествования. Р. Адылов – профессиональный спортсмен. С 2012 года является судьей международной категории по самбо. Завоевывал награды в международных чемпионатах и кубках мира в 2014 году в Японии, России, Южной Корее, в 2015 году – во Франции и Германии. Недавно в составе сборной Узбекистана вернулся из Москвы, где судействовал на кубке мира, на котором наша сборная заняла общекомандное второе место.

– Рустама Ибрагимовича я знаю с 2012 года, – делится начальник отдела Организационного управления ГУВД г. Ташкента подполковник Анвар Рустамов.– В нашем коллективе его ценят как опытного сотрудника. Он всегда работает над собой: чего не знает – узнает, что знает – всегда передает остальным. Очень требовательный, четко выполняет служебные обязанности, хороший семьянин. Как его начальник, могу сказать, что он достоин самой высокой оценки.

– С подполковником Адыловым служу уже несколько лет, – говорит начальник смены дежурной части организационного управления ГУВД г. Ташкента подполковник Ибрагим Даутов. – Среди коллег имеет большой авторитет, умеет правильно оценить ситуацию, с уважением относится к сослуживцам. Он передает свои знания и мастерство молодому поколению сотрудников. Учит их грамотно подходить к решению проблем.

Когда большинство жителей столицы утром собираются на работу или учебу, герой нашего повествования приходит домой после суточной вахты. Дома его с нетерпением ждут мама, супруга, двое сыновей и дочь. Мама, Раъно Турсунпулатовна, до выхода на заслуженный отдых работала врачом, а отец, ныне покойный Ибрагим Алимович, – сотрудником одного из отделов Министерства сельского хозяйства. Сам Рустам Ибрагимович и трое его братьев, Равшан, Ислам и Олим, окончили Академию МВД. Все являются чемпионами Азии и призерами мира по борьбе самбо.

– Всевышний даровал мне четверых мальчиков, – говорит Раъно Турсунпулатовна. – Всего они добились сами, заслужили уважение людей. У них много друзей, некоторые стали близкими, как братья, всегда поддерживают друг друга. Большего счастья мне не нужно. Я хочу, чтобы они всегда были здоровыми и счастливыми.

Супруга Рустама Адылова, Зебо Адылова, также сотрудник ОВД, служит в системе уже 18 лет, заочно учится на 3-м курсе Академии МВД. Спруги вместе уже 17 лет. Рустам ака всегда старается помогать Зебо. Они понимают друг друга с полуслова.

– Он открытый и чуткий человек, – делится супруга героя нашего рассказа. – Уделяет большое внимание воспитанию детей. Когда уезжает на соревнования, мы смотрим по телевизору, как он судит или борется сам, и болеем за него. Я счастлива, что мои дети, так же, как их отец, хотят достичь высот в спорте и стать сотрудниками органов внутренних дел.

– Если бы мог вернуться на 20 лет назад и передо мной стоял выбор профессии, я, без сомнения, снова бы стал сотрудником органов внутренних дел, – заключил подполковник Рустам Адылов.

**Равшан МУХИДДИНОВ.**
**Фото Фархода Пулатова.**

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

# ИБРАТ МАКТАБИ



**Эл корига камарбаста бўлиш, ҳақиқий осойишталик посбони сифатида тан олинишнинг ҳам ўзига хос машаққатлари бор. Бундай шарафга ҳаёт синовларини кўрган-кечирган, касбига оид билимлардан, устозлар сабоғидан баҳраманд бўлган кишигина эришиши мумкин.**

Ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник Аминжон Қодиров ўттиз икки йил мобайнида машаққатли синовлардан ўтиб, қадрдон касби завқини суриб келган ана шундай бахтли инсонлардан биридир. Қувонарлиси у ҳамон ички ишлар органлари ходимлари билан бир сафда, аниқроқ айтадиган бўлсак, Бухоро вилояти ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси фахрийлар кенгаши раиси вазифасида ишлаб келяпти.

– Устозимиз пенсияга чиққан бўлса-да, доимо биз билан бирга, – дейди вилоят ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси бошлиғи, полковник Олим Файзиев. – Узоқ йиллар давомида тўплаган бой тажрибаси, хизмат вазифасига бўлган муносабати ҳамда ҳар бир ишга масъулият билан ёндашуви ёш ходимларимиз учун ибрат мактаби бўлмоқда. Устоз билан биргаликда фахрийлар ҳолидан вақти-вақти билан хабар олиб туришдан ташқари, байрамларда совға-саломлар ҳам улашиб келяпмиз. Айниқса, бетоб бўлиб қолган фахрийларга вилоят ИИБ тиббиёт бўлимидан соғлиқларини тиклаш мақсадида санаторийларга йўлланма олишларига амалий ёрдам кўрсатиляпти. Шу билан бирга, фахрийларимиз дуч келаётган муаммоларни ҳал этишга ҳам ёрдамлашяпмиз.

Нафсиламрини айтганда, юрт тинчлиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдек шарафли вазифани сидқидилдан адо этган ва этаётган инсонлар ҳеч қачон халқ назаридан четда қолмайди. Уларни ҳамкасбларию шогирдлари доимо йўқлаб туришади. Аминжон ака ана шундай ишларга бош-қош бўлмоқда. Бундан ташқари, осойишталик посбонларини ҳамиша ҳалол, меҳр-оқибатли бўлишга, одамларга ёрдам беришга даъват этиб келади. Аминжон акани нафақат Коғон шаҳридаги, балки вилоятдаги кўплаб осойишталик посбонлари устоз, дея фахрланиб тилга олишади. Улар орасида истеъфога чиққанлари ҳам, хизматни аъло даражада давом эттираётганлари ҳам бор.

Дарҳақиқат, машаққатли хизматда, мураккаб ва мушкул вазиятда тўғри маслаҳат берган, йўл-йўриқ кўрсатиб тарбия қилган инсоннинг йиллар ўтган сайин қадри ҳам, ҳурмати ҳам ошиб бораверади. Шогирдлари устози ҳақида ҳурмат-эҳтиром ва миннатдорлик билан гапиришади.

Аминжон ака асли самарқандлик. Шу ерда ўқиб, ўсиб улғайди. Сўнгра Самарқанд ТИИБ тавсияси билан собиқ иттифоқ Ички ишлар вазирлигининг Беларусь Республикасидаги ихтисослаштирилган мактабида таҳсил олди. Транспортда жиноят қидирув соҳасида етарли билимларга эга бўлган А. Қодиров махсус йўлланма билан Бухоро Транспорт ИИБга ишга келди ва шу ерда томир отди.

Даставвал бошқармада жамоат тартибини сақлаш инспекторлигидан хизматини бошлаган А. Қодиров, кейинчалик жиноят қидирув тезкор вакили, бўлинма бошлиғининг жиноят қидирув бўйича ўринбосари, 1999 йилдан бошқарма бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимларида самарали фаолият кўрсатиб, 2009 йилда пенсияга чиқди. Бир ойдан сўнг эса «Ўзбекистон темир йўллари АК» ҳиссадорлик жамиятининг Қоровулбозор темир йўл бекатига ишга таклиф қилинди. Бу таклиф Аминжон акага маъқул бўлди ва ўн бир йил шу корхонада катта уста лавозимида меҳнат қилди.

Аминжон ака ўзи эришган барча ютуқларда устозларининг хизмати катта бўлганини алоҳида таъкидлайди. Хусусан, марҳум устози Аваз Охуновни кўп эслайди. Истеъфодаги подполковниклар Теша Мустафоев, Толиб Ҳайитов, Ҳаёт Саётов, Эргаш Ражабов сингари устозлари билан эса тез-тез учрашиб туришади.

Қисқаси, истеъфодаги подполковник Аминжон Қодиров бахтли инсон. Турмуш ўртоғи Гулчеҳра ая билан оила қўрғонини барпо этишган. Бу қўрғонни фарзандлари Гулжаҳон ва Хуршидабонулар янада мустаҳкамлади. Уларга яхши тарбия беришгани боис ҳозирда фарзандлар ва набиралар ардоғида умргузаронлик қилишмоқда.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Бухоро вилояти.*

**Суратда:** *истеъфодаги подполковник Аминжон Қодиров шогирди билан.*

СУЛОЛА

# ФАЙЗЛИ ХОНАДОН

**Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Зилха маҳалласи Иқтидор кўчасидаги 4-уйда ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник Анваржон Қаюмов истиқомат қилади. Фахрий айни пайтда 66 ёшни қарши олаётган бўлса-да, ҳали-ҳануз ёшлардек серғайрат, ҳалигича меҳнатдан қочмайди. Ҳовлисида узум парваришлаб, яхшигина даромад ҳам қилади.**

Меҳмондўст бу хонадондаги файзу тароватнинг бошқа асосий сабаби бор. Анваржон Қаюмовнинг волидаси Ҳалимахон она яқинда 91 баҳорни қарши олади. Меҳридарё онахон фарзандларига дуогўй бўлиб, кексалик гаштини сурмоқда. Бу ҳовлидан онахонни йўқлаб келган меҳмонларнинг оёғи узилмайди. Кекса момо уларни доим кулиб қарши олади, панд-насиҳат, ўгит ва маслаҳатлар беради.

– Онам – менинг давлатим, унинг дуолари билан шунча обрў-мартабага эришдим. Онам борлиги учун уйимизда файзу барака аримайди, – дейди истеъфодаги подполковник Анваржон Қаюмов. – Раҳматли отам Назиржон Қаюмов ҳам узоқ йиллар ички ишлар органларида хизмат қилиб, эл-юрт осойишталигига муносиб ҳисса қўшган. Ота-онам 11 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишди. Акаукаларимнинг ичида мен ота касбини танладим. 26 йил ички ишлар органларида хизмат қилиб, пенсияга чиқдим. Ўғлим Мурođжон ҳам бизнинг изимиздан борди, соҳада кўп йиллар ишлаб, 2017 йилда майор унвонида пенсияга чиқди. Набираларим орасида ҳам касбимизга қизиққанлари бор. Умид қиламизки, улар сулоламизни муносиб давом эттиришади.



Дарҳақиқат, қаҳрамонимизнинг отаси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, истеъфодаги майор Назиржон Қаюмов ўз даврида ички ишлар органларининг чинакам фидойиси эди. Урушдан қайтгач, Тошкентдаги ўрта махсус милиция мактабида ўқиди. Кўп йиллар жиноят қидирув соҳасида фаолият юритиб бой амалий тажриба тўплади, юзлаб шогирдларни тарбиялади.

Истеъфодаги подполковник Анваржон Қаюмов ҳам ота касбини муносиб давом эттирди. 1977 йилда қўриқлаш хизматида ўз фаолиятини бошлаган қаҳрамонимиз кейинчалик Фарғона вилояти ИИБ Ташкилий бошқармасида ишлади. Фаолиятининг сўнгги йилларида йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида самарали меҳнат қилиб, 2003 йилда шогирдлари эҳтиромида пенсияга чиқди.

Сулоланинг учинчи вакили, истеъфодаги майор Муроджон Қаюмов ҳам 2002 йилдан 2017 йилгача ички ишлар органларининг турли соҳаларида хизмат қилиб пенсияга чиқди. Ҳозирда Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалида ишламоқда.

Ўтган йилнинг январь ойида истеъфодаги подполковник Анваржон Қаюмов Фарғона вилояти ИИБ Фахрийлар кенгашининг амалий ёрдами туфайли, имтиёзли равишда онаси Ҳалимахон Қаюмова билан ҳамроҳликда муқаддас ҳаж зиёратини адо этишди.

Улуғ ёшида ҳаж амалларини бажариб қайтган Ҳалимахон аянинг қувончи чексиз. Қўлларини доим дуога очиб, юртимиздаги тинчлик-барқарорлик абадий бўлишини, осойишталикни таъминлаш учун тунни тонгга улаб хизмат қилаётган ички ишлар ходимлари омонлигини Яратгандан сўраб, эзгу ниятлар қилади.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Фарғона вилояти.*

**Суратда:** истеъфодаги подполковник Анваржон Қаюмов онаси Ҳалимахон ая ва ўғли Муроджон билан.

ҲИКМАТ

*Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди.*

**Амир ТЕМУР**

ҲИКМАТ

ФИКРЛАР ЧОРРАҲАСИ

# МАЪНАВИЯТ – МИЛЛАТГА МАЁҚ

**Бугунги шиддаткор замонда ҳар биримизнинг қарашларимиз, дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз замонавийлашиб, янги-янги маълумотлар билан бойиб, билимларимиз кенгайиб, маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятимизни муттасил тўлдириб, унинг қирраларини тизимлаштириб боришимизни тақозо этмоқда. Дарҳақиқат барчамизнинг ишимиз, юриш-туришимиздан тортиб, оғзимиздан чиқаётган ҳар бир сўз, жумла маънавиятга дахлдор. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «...биз яратаётган Янги Ўзбекистоннинг мафкураси – эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади.**

**Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз.**

**Албатта, бу юксак ғоялар осмондан тушмаган. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган».**

**Шундай экан, миллатимизнинг асрлар давомида шаклланган маънавий қадриятларини, халқимизнинг улуғ фазилатларини асрамоғимиз керак. Ушбу мавзу доирасидаги фикрлар чорраҳасида сиз билан ҳамфикрмиз.**



**Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари:**

– Айтиш мумкинки, маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Президентимиз таъкидлаганидек, «жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони, руҳи маънавиятдир. Чунки маънавий асосларсиз, маънавий негизларсиз, маънавий қадриятларсиз, маънавий-миллий руҳсиз ҳеч бир давлат ўзининг юксак мақсадларига эриша олмайди».

Давлат раҳбарининг ташаббуси билан янги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ташкил қилиняпти. Бу институтга энг кучли, ватанпарвар, юксак салоҳиятли, ижтимоий-маънавий муҳитни таҳлил қила оладиган, унга баҳо бера оладиган, прогноз қила оладиган ва устувор йўналишларни, вазифаларни белгилаш салоҳиятига эга бўлган профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар жалб этилади. Энг муҳими, жамиятдаги маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда шунчаки тадбирлар уюштириш эмас, аввало, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари, керак бўлса, муаммолари, оғриқларидан келиб чиққан ҳолда, таҳлил қилиш, ташхис қўйиш ва ана шу асосда маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишга эътибор қаратилади.



**Абдуғаппор ҒАНИЕВ, Тошкент шаҳри Учтепа тумани «Чамanзор» МФЙ раиси:**

– Аслида ҳар бир оиладаги тарбиянинг қатларига одоб-ахлоқ, ҳаё-ибо, ор-номус, дину диёнат, уят-андиша каби ахлоқий қадриятлар сингдирилади. Бу ўзига хос маданиятимиз ҳамда маънавиятимизнинг, кундалик турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Ҳаётимизни бу фазилатларсиз яхлит ҳолда тасаввур этишимиз мушкул. Ота-боболаримиз «Бир болага етти қўшни ота-она», деб бежиз айтишмаган. Бу ҳикмат мағзида бир инсон тарбиясининг мукаммаллик даражаси, шахс маданияти, маърифати ётади. Аммо бугун тан олишимиз керак, айрим ёшларнинг маънавий онгидаги бўшлиқни «оммавий маданият» номли «вирус» эгаллаш пайида...

Шунинг учун ҳам Президентимиз «Бугун болаларимизни мактаб, ота-она ёки институт эмас, аксарият ҳолда қўлидаги телефон тарбияламоқда. Мобил телефон энди оддий алоқа воситаси эмас, кўпинча ёт мафкурани тарқатадиган қуролга айланмоқда.

Маънавиятимизга мутлақо бегона бўлган зарарли ғоялар чегарани бузмасдан, билдирмасдан хонадонимизга, жамиятимизга кириб келяпти. Соат сари эмас, минут сари кириб боряпти.

Буларнинг барчаси биз учун огоҳлик қўнғироғи бўлиб янграши зарур», дея жонкуярлик билан таъкидладилар. Бугунги ахборот технологиялари тараққий топиб бораётган паллада виртуал олам, яъни интернетга қарши туриш иложсиз кўринади...

Сирасини айтганда, интернет замон билан ҳамқадам бўлиб, илм-фан ўрганишда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир инсонга кўмакчи бўла олади. Бунда меъёрни белгилаш керак. Хўш, бу меъёр қандай шаклланади. Маънавий олами бой инсонда шаклланади. Бизнинг эндиликдаги муҳим вазифамиз маънавият тарғиботчисига айланишдир.

**Мирзабек БЎРИЕВ, Сирдарё вилояти ИИБ ҲПБ ВЕ ва ЁЎҲПТЭГ катта испектори, капитан:**

– Ёшлик, айниқса, ўсмирлик умрнинг беқарор даври. Бунда ҳар бир ёш учун оила, ота-она, таълим муассасаси, маҳалла аҳлининг эътибори ниҳоятда муҳим. Хизматда тўплаган тажрибам ва кузатилган ҳолатлардан келиб чиқадиган энг муҳим хулосам шу. Чунки ёшларнинг енгил-елпи ҳаётга ружу қўйиши, оилавий муҳитнинг парокандалиги, ота ёки онанинг йўқлиги, бекорчилик, ичкиликбозлик каби салбий ҳолатлар жиноят содир этишга олиб келувчи омиллардан эканлигини кўпчилигимиз яхши биламиз. Баъзан эса рисоладагидек оилада улғаяётган ёшларда ҳам, ушбу ҳолатлар кузатилади. Демак, бу айрим ёшларнинг назоратдан четда қолгани, уларнинг маънавий тарбиясида оқсаш борлигидан далолатдир.

Бу ҳам, ўз навбатида, яна оиладаги тарбия, маънавият, маърифат масалаларига бориб тақалади. Ахир, ота-боболаримиз биргина нохуш вазиятни бутун қариндош-уруғга нисбатан



иснод, деб билиб, фарзандларини тергаб, хатолардан тўғри хулоса чиқариш, ўйлаб қадам босишга ундагани айни ҳақиқат-ку. Бу борада Президентимиз таъбири билан айтганда, халқ ичида юриб, ҳар бир ёшнинг муаммосини эшитиб, назоратга олиб, охир-оқибат муаммосини ҳал этиб берсак, вазият ўзгаради. Бу шунчаки сўзлар эмас, бу масъулият, жамоавий меҳнат, юртимизнинг бугуни, эртасини кўзлаб амалга оширилажак ишларимизга фидойилик нигоҳи билан қараш демакдир.

**Гузалия КАЛИМУЛЛИНА, Тошкент вилояти Бўка тумани ИИБ Хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, катта лейтенант:**

– Соҳибқирон бобомизнинг «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантириш ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насли-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина, эл-юртга тўй-томоша бериб, келин туширдим», деган тузукларидаги «...барча қусурлардан холи...» жумласини мушоҳада қилар эканмиз, инсон барча қусурлардан холи бўла оладими, деган ҳақли савол туғилади. Ҳа, бўлади. Қачонки, у маънавиятли, маърифатли бўлса...



Бугунги кунда жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, халқ осойишталигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса, оила-турмуш доирасидаги, низоларнинг шунингдек, хотин-қизлар, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ишлари барчамизнинг доимий эътиборимизда. Бироқ хизмат жараёнида бу ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганганимизда, минг афсуски, масаланинг илдизи айрим фуқароларнинг маънавий-маърифат тушунчасига юзаки қараш, бир ёқлама фикрлашига бориб тақалади. Шуниси аёнки, инсон кузатишлари асосида қалбида ўзини топади, ҳаётни севишни ўрганади. Кўнглини эса маънавият ва маърифат зиёлари ёритиб туради.

**МАФКУРА** – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи.



### Хулоса ўрнида

Алишер Навоий: «Ки ҳар ишники қилди одамизод, тафаккур бирла билди одамизод», дея таъкидлаганидек, ҳар бир инсон тафаккур қилганидек сўзлайди. Бугун муҳокамага чорлаган мавзу сизни ҳам фикрлашга ундаса, янгича қарашлар уйғотса, биз чоғланган улуғ мақсад сари бир қадам демак.

**Давра суҳбатини Гулноза ТУРҒУНБОЕВА ёзиб олди.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# МАЪНАВИЯТ – ДУНЁНИ ҚУТҚАРАДИ

*Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир!*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

**Маънавият инсоннинг ўзлигини англатувчи бетакрор мўъжизавий куч-қудратга эгадир. Маънавият шундай қудратли кучдирки, у миллатни буюк ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштирувчи байроқдир**



Бугунги кунда мамлакатимизда аниқ мақсадга йўналтирилган маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш борасида самарали ишлар қилинмоқда. Зеро, маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш жиддий фикр юритишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам Президентимиз раислигида жорий йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида: **«Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият»**, дея таъкидлагани бежиз эмас. Зеро, диёримиз миллий қадриятлари, маданияти ривожланган, юксак маънавиятга эга тамаддун ўчоғидир. Тарихдан маълумки, юртимизда маънавият машъалини баланд кўтарган буюк алломалар етишиб чиққан. Ўзининг бой маънавий мероси билан дунёга зиё таратган Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Алишер Навоий каби мутафаккирлар мероси халқимиз маънавиятининг юксалишига замин яратган.

Дунёнинг турли минтақа ва давлатларида содир бўлаётган аянчли воқеалар таҳлили оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот технологиялари, жумладан, интернет тизими, ижтимоий тармоқлар ва электрон нашрлар кўп ҳолларда айрим бузғунчи кучлар қўлида турли сохта, зарарли ғоя ва мафкураларни тарғиб этишнинг қулай ва тезкор воситасига айланиб қолаётганлигини кўрсатаётир. Бу каби таҳдидлар миллий ва умуминсоний қадриятларнинг емирилишига, зўравонлик, инсон тақдири, жамият ҳаётига беписандлик, масъулиятсизлик, лоқайдлик, андишасизлик, беҳаёлик каби иллатларнинг илдиз отишига замин яратмоқда. Натижада одамзотнинг ўз тарихий, диний, миллий-маънавий илдизларидан узилиб қолишига сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолат жаҳондаги кўплаб давлатларда умумий тенденцияга айланиб бормоқда.

Маънавият ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омили ҳисобланаркан инсон маънавий олами, халқимиз маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш, ўз навбатида, жаҳон илм-фани ютуқлари ва умумбашарий тараққиётга замин яратиши шаксиздир.

Янги Ўзбекистон миллий тараққиётнинг янги даврига қадам қўйди. Буни барча соҳалардаги туб ўзгаришлар қатори, маънавият ва маърифатга бўлган муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Айниқса, юртимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш борасида улкан ишлар қилинилаётганлиги диққатга сазовордир. Хусусан, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятларининг йўлга қўйилиши мамлакатимизда муқаддас Ислом дини қадриятлари ва анъаналарини янада ривожлантиришга замин яратмоқда.

Маънавий-маърифий соҳада давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар замирида юртимизда таълим, илм-фан, маданият маърифат, аждодлар меросини ўрганиш, қадрлашга бўлаётган катта эътибор нафақат мамлакатимиз ва минтақа аҳолиси, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Дунё тамаддуни бухорийлар, фарғонийлар, самарқандийлар, хоразмийлар, термизийлар, насафийлар таратган илм зиёсидан қанчалар баҳраманд бўлган бўлса, бугунги кунда ҳам бу баҳрамандлик давом этмоқда, аждодларимиз қолдирган бебаҳо маънавий мерос ўз қадри ва аҳамиятини асло йўқотгани йўқ. Дунё миқёсида халқаро терроризм, радикализм, экстремизм каби чегара билмас таҳдидлар хавфи ортиб бораётган бугунги кунда ҳам маънавият ва маърифат жаҳолатга қарши курашишнинг энг самарали воситаси сифатида тан олинмоқда.



Мафкура полигонларида ғоявий-мафкуравий курашнинг тобора авж олиши ёшлар онги ва қалбини экспанция (забт этиш) этишга замин яратмоқда. Шу тариқа, маънавий тубанлик таъсири оқибатида маданиятсизлик, эътиқодсизлик каби бир қатор «таълимотлари» баъзан ошкора, баъзан эса яширин тарзда тарғиб этилмоқда. Натижада миллий руҳ, миллатнинг ўзига хослиги ва унинг асрий қадриятларига рахна солиш орқали зимдан емиришга замин яратилмоқда.

Глобаллашув шароитида мазкур иллатнинг ижтимоий намоён бўлиши муайян минтақа ва мамлакат аҳолиси онги, қалбини забт этмоқда. Натижада мазкур иллат асл маънавий қадриятларни таназзул сари етаклаб, ҳар бир ҳалқ ва миллатнинг ўз маданияти, маънавияти ва қадриятларини инкор этиши орқали ёшлар онгида бир-бирига мутлақо зид бўлган дунёқарашни шакллантирмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, маънавият халқимиз ор-номусини уйғотувчи беқиёс куч, озодлик, ватанни севишга ундовчи даъваткор туғёндир. Бугунги замон шиддати ҳар бир миллатнинг келажакда ўзлигини сақлаб қолиши учун, энг аввало, маънавият масаласига бўладиган таҳдидлардан мунтазам огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишни кечиктириб бўлмас асосий масала сифатида кун тартибига қўймоқда.

Бинобарин, дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, «оммавий маданият», наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш; жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар – эл-юрт тақдирига лоқайдлик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш; халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш каби долзарб масалалар Республика Маънавият ва маърифат маркази зиммасидаги ҳал қилиниши кечиктириб бўлмайдиган вазифалардир.

Маълумки, салкам уч ўн йилликдан буён ички ишлар органларида ҳам маънавий-маърифий ишлар мунтазам олиб борилмоқда. Зеро, бугунги осойишталик посбони нафақат жисмоний ва жанговар жиҳатдан давр талабига жавоб берадиган, балки маънавий жиҳатдан етук ва буюк аждодлари каби маърифат эгаси бўлиши лозим. Шу мақсадда, Президентимиз Мурожаатномаси ҳамда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалардан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органларида ўтказиладиган ҳафталик маънавият ва маърифат дарсларини сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирларини белгилаб олишимиз зарур.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни албатта яхши кўради. Виждон, маънавият дегани – халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир. Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизғин қўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади».

**Мансур МУСАЕВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи, фалсафа доктори,**
**Абдураим УЛУҒОВ,**
**Марказ масъул ходими.**

*МАЪНАВИЯТ – «маъно» сўзининг жами бўлиб, инсоннинг руҳий олами, онги, ақли ва тафаккурининг йиғиндиси, яъни дунёқараши тушунилади. Бир сўз билан айтганда, маънавиятда инсон ҳаётининг мазмуни акс этади. Ватанни севиш, ватанпарварлик инсон маънавиятини белгиловчи асосий омиллардан биридир.*



УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# МИР СПАСЕТ ДУХОВНОСТЬ

**«Если экономика – организм, обеспечивающий жизнедеятельность общества, то духовность – его сердце и душа».**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ.**







**19 января под председательством Президента Узбекистана состоялось видеоселекторное совещание, на котором рассматривались вопросы совершенствования духовно-просветительской работы, укрепления взаимодействия в этом направлении государственных и общественных организаций.**

На сегодняшний день остро встает вопрос воспитания духовности. В первую очередь он рассматривается в разрезе национальной идеи, так как ни одна нация не может развиваться без духовного единения народа. А в основе народного единства всегда лежали такие понятия, как истина, доброта, красота, взаимопомощь, прощение, любовь, каждое из которых являет одну из граней духовности.

Взращивание этих качеств издревле было делом семьи. Из поколения в поколение передавались в узбекских семьях традиции уважения старших, бережного отношения к старикам и детям, взаимовыручки и поддержки. Сохранить вековые обычаи, не дать им раствориться в агрессивно навязываемых массовой культурой ценностях – долг каждого человека, сохранившего в себе нравственность и мораль.

Это также долг общества, его институтов, государственных структур. В последние годы был принят ряд решений в данном направлении. 3 мая 2019 года было принято постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы», в котором были намечены конкретные действия, направленные на повышение качества проводимой духовно-просветительской работы. Был создан Республиканский совет по духовности и просветительству, на хокимов возложена ответственность за территориальные отделения Совета.

О необходимости повышения уровня духовности говорилось и в недавнем Послании главы государства Олий Мажлису, на первом Форуме молодежи Узбекистана и расширенном заседании Совета безопасности, что свидетельствует о том, что в этой сфере накопилось много вопросов, ожидающих своего решения.

В первую очередь, это касается образовательных учреждений. Не секрет, что в воспитании духовности одну из главных ролей играет школа. Дети со школьной скамьи должны понимать, «что такое «хорошо» и что такое «плохо», к чему в будущем могут привести их неправильные суждения, сбитые жизненные ориентиры. Учителя должны помогать ребенку в формировании духовного стержня, который не позволит ему вырасти эгоцентричным, равнодушным и безразличным, потребителем, свысока относящимся к труду, семье, обществу, не имеющим активной гражданской позиции. А преподаватели высших образовательных учреждений обязаны укреплять данный стержень. Теперь, для того чтобы дети нашей страны росли высоконравственными гражданами, во всех вузах и их филиалах будет введена должность проректора по вопросам молодежи и духовно-просветительской работы.

«Идеологией создаваемого нами нового Узбекистана будут доброта, человечность, гуманизм», – заявил глава государства 19 января, в ходе видеоселекторного совещания. Без этих простых человеческих понятий невозможно построение гражданского общества. В связи с этим Республиканский центр духовности и просветительства станет координировать деятельность всех территориальных советов, министерств, ведомств и организаций. Данное решение касается и Министерства внутренних дел республики.

В последние десятилетия особенно усиливаются такие угрозы, как терроризм, экстремизм, транснациональная, кибер- и наркопреступность, торговля людьми. В некоторых регионах мира наблюдаются искусственно создаваемые нестабильность и протестные настроения. Поэтому правоохранительные органы должны проявлять повышенную бдительность, работать, постоянно находясь на страже мира и интересов нашей страны.

Еще 16 апреля 2020 года был издан приказ министра внутренних дел Республики Узбекистан о дополнительных мерах по повышению духовно-просветительской грамотности, поддержке здорового образа жизни и усилению физической активности сотрудников органов внутренних дел. Работа по воспитанию патриотизма, любви к Родине, справедливости, честности, преданности, мужества и отваги должна начинаться с образовательных учреждений системы.

В учебных заведениях МВД уже проводится широкомасштабная комплексная деятельность. Весь учебно-воспитательный процесс направлен на формирование у будущих стражей порядка высокой духовности, чувств преданности Родине и народу, справедливости, честности культуры общения. В его основу заложена идея о том, что молодой страж порядка должен чувствовать сопричастность ко всем проводимым в стране переменам, быть преданным своей профессии, мужественно и стойко защищать соотечественников, обеспечивать верховенство закона. Только в неразрывной связи с развитием и совершенствованием своего духа можно овладевать знаниями, укреплять навыки, повышать профессионализм.

То, что в воспитательном процессе сотрудников ОВД важную роль играет уровень нравственности, духовный потенциал, становится непререкаемой истиной, потому что гражданин Узбекистана, вступающий в ряды стражей порядка, посвящает свою жизнь защите идеалов свободы, демократии, верховенства законности и правопорядка. «…Поступая на службу в органы внутренних дел, обязуюсь честно, добросовестно выполнять свой долг и возложенные на меня обязанности по защите конституционных прав граждан, укреплению мира, спокойствия и безопасности страны. Клянусь быть преданным Родине и народу Узбекистана» – так звучат слова Присяги.

Сотрудник органов внутренних дел должен стремиться к самосовершенствованию, углублению не только профессиональных знаний, но и пониманию исторических закономерностей, культурных взаимосвязей, начал педагогики, быть информированным о том, что происходит в мире. Эти знания являются составными частями понятия «высокодуховный человек» и помогают сотрудникам ОВД в исполнении их профессиональных обязанностей.

Только тот страж порядка, который обладает высокой духовностью, имеет нравственные ориентиры, ведет себя с чувством собственного достоинства, сможет на деле реализовать лозунг «Служить интересам народа», являющийся высшим духовно-нравственным смыслом деятельности каждого стража порядка.

В завершение хочется привести слова главы государства: «Если кто-то думает, что вопрос духовности – это только работа Центра духовности или отдельно взятого министерства, ведомства, то ошибается. Это одна из главнейших, важнейших задач, стоящих перед всеми нами».

**Динара ШАМУХАМЕДОВА,**
**корреспондент «На посту».**

ГРАНИ МАСТЕРСТВА

# ЕСЛИ БЫ НЕ СОТРУДНИК…




**Сотрудник-водитель 4-го отряда 3-го батальона бригады ППС ГУВД г. Ташкента рядовой Алишер Юсупов – один из опытнейших стражей порядка. Его стаж насчитывает 12 лет. За эти годы было немало задержаний, фактов оказания помощи гражданам. Но уроженец Ташкентского района столичной области рассказывать о тех случаях не очень-то желает, оправдываясь, что просто исполняет свои обязанности, в которых нет ничего героического.**

Сослуживцы все же рассказали об одном из подвигов рядового Алишера Юсупова, за который в 2018 году, в канун Дня защитников Родины, Указом Президента был награжден орденом «Мардлик».

… 25 октября 2017 года. На вечернем разводе, приняв поздравления командира с профессиональным праздником – Днем работников органов внутренних дел, рядовой А. Юсупов заступил в очередное ночное дежурство.

Время близилось к 23.00. С напарником – инспектором профилактики капитаном Хислатом Ражабовым они ехали вдоль набережной Анхора в ОВД № 60. С ними в машине находились еще трое мужчин, остановленных для проверки документов, но не сумевших ясно ответить на заданные вопросы и сопровождаемых для установления личности в ОВД.

Проезжая вдоль набережной Анхора по улице Шохидонтепа Шайхантахурского района, через приспущенное окно патрульного автомобиля сотрудники услышали крики. На противоположном берегу Анхора, на тротуаре, вдоль реки, освещаемая огнями мечети «Минор» стояла группа людей. Двое парней кричали, что тонет женщина, и звали на помощь.

Юсупов среагировал мгновенно. Протянув напарнику табельное оружие, он скинул на водительское сиденье куртку и бросился в воду.

Люди на берегу замерли, наблюдая за борьбой мужчины с течением. Минута, другая – и рядовому удалось ухватить женщину за ворот пальто. Подтянув ее к себе, он поднял голову тонувшей за подбородок, дав возможность глотнуть воздух, и поплыл назад к берегу.

Наблюдавшие за происходящим люди аплодировали сотруднику, который, не побоявшись сильного течения и холода, бросился спасать тонущего человека.

Тонувшей оказалась уроженка Ферганской области, приехавшая в столицу с семьей в гости к родственникам. Днем 25 октября было тепло, но к вечеру температура упала на 10–12 градусов. Вместе с родственниками она отправилась любоваться красотами ночного Ташкента. Вдруг женщине взбрело в голову ополоснуть руки в реке. Она смело перелезла через ограждение, стала подбираться к воде и поскользнулась… Выяснилось, что гостья столицы плохо плавала.

В общем, если бы не Алишер Юсупов, вся эта история могла бы закончиться трагически.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

ВЕТЕРАНЫ – НАША ГОРДОСТЬ

# Рассказ о настоящем человеке

**Есть люди, чей внутренний свет, душевная энергия настолько сильны, что «освещают» всех, кто находится рядом. Этим даром природа наделила и Муталибжона Эргашева – умного, энергичного, талантливого руководителя, ветерана органов внутренних дел полковника в отставке, человека с интересной судьбой.**



Муталибжон, когда пришло время выбирать профессию, без всякого сомнения поступил в среднюю специальную школу МВД в Ташкенте. После окончания учебного заведения молодого лейтенанта назначили инспектором по делам несовершеннолетних Пахтаабадского РОВД. Спустя год выполнял обязанности инспектора отделения уголовного розыска, а потом заместителя начальника Пахтаабадского РОВД по работе с личным составом. Без отрыва от службы, М. Эргашев окончил Высшую школу МВД в Ташкенте, а потом двухгодичную Высшую школу МВД в Москве.

Муталибжон Эргашев служил начальником Китабского РОВД Кашкадарьинской области, начальником Ходжаабадского РОВД Андижанской области, первым заместителем начальника УВД Андижанской области, начальником Андижанского ГОВД, начальником Алтынкульского РОВД. На заслуженный отдых вышел в 2006 году с должности заместителя начальника Управления профилактики УВД Андижанской области в звании полковника, прослужив в общей сложности в органах внутренних дел более 35 лет.

– Моим учителем и наставником был подполковник Останокул Махмудов, проработавший начальником Пахтаабадского РОВД 13 лет, – рассказывает ветеран. – Ко мне он относился как к сыну, учил уму-разуму, терпению, умению работать с людьми. Всегда говорил: «Какую бы высокую должность ты ни занимал, никогда не повышай голос на подчиненных, ведь они являются чьими-то сыновьями, мужьями, отцами.

Полковник в отставке Муталибжон Эргашев, которому недавно исполнилось 70 лет, не смог долго усидеть дома без дела – больше десяти лет он возглавляет фермерское хозяйство в Алтынкульском районе, на 40 гектарах выращивает овощи и фрукты. А когда находится свободное время – пишет статьи в местные газеты, увлекается чтением, любит музыку и сам неплохо играет на рубобе, потому что он творческая натура.

Муталибжон Эргашев стал зачинателем династии. Младшие братья, Абдумалик и Абдукаххор, пошли по его стопам. Оба дослужились до звания «майор», сейчас находятся на заслуженном отдыхе. Продолжили дело и его сыновья. Старший, Улугбек, недавно вышел на заслуженный отдых в звании подполковника. Средний, Отабек Эргашев, тоже подполковник, работает начальником отделения миграции и оформления гражданства Избасканского РОВД.

Супруга героя нашего рассказа, Одинахон опа, всю жизнь работала обычной швеей. Она дала прекрасное воспитание двум сыновьям и трем дочерям.

Его ученики ныне в отставке: полковник Б. Камбаров и подполковники Д. Хомидов, Э. Абдурахимов благодарны учителю за опыт и знания.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**
*Андижанская область.*

ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ

# ОБЪЕКТЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

**Тошкент вилояти республикамизда ўз ўрнига эга салоҳиятли ҳудуд ҳисобланади. Вилоят Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ каби саноат шаҳарлари, индустриал зоналарга эга. Саноат шаҳарларидаги кўплаб завод-фабрикалар, молия ва банк ташкилотларининг бир меъёрда ишлаши учун унинг хавфсизлиги муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мавжуд объектларнинг ишончли қўриқлови Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардиясининг Тошкент вилояти Қўриқлаш бошқармаси фидойи ходимларига юклатилган.**



Соҳа ходимлари самарали хизмат олиб бориши учун бошқарма ва унинг қуйи бўлимлари бугунги кун талабига мос техника ва мосламалар билан тўлиқ таъминланган. Хусусан, Бўстонлиқ ва Бекобод туманларида тезкор ҳаракатланувчи гуруҳлар фаолият бошлаганига ҳам кўп бўлмади. Туристик-курорт ҳудуд ҳисобланмиш Бўстонлиқ туманидаги кўплаб объектларнинг техник қўриқлаш пунктига улангани яхши самара бераяпти. Объектлардан тушган «ташвиш-хабари» бўйича «android» қурилмаси ўрнатилган «Traker» автоуловида тезкор ҳаракатланувчи гуруҳлар ўз вақтида белгиланган манзилга тез етиб бориб, турли ҳуқуқбузарликларни бартараф этишмоқда.

Ўтган йилда Олмалиқ шаҳар ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида «Концентратор» қурилмаси синов тариқасида жорий этилганди. Бу билан хонадонларни мониторинг маркази орқали янгидан қўриққа олишга эришилди.





Шунингдек ўтган йили Қўриқлаш бошқармасининг Бўстонлиқ туманидаги 3-алоҳида батальони маъмурий биноси тўла таъмирдан чиқарилган бўлса, Олмалиқ шаҳридаги 4-алоҳида батальони маъмурий биноси янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. Бошқарманинг маъмурий биносида жойлашган бош навбатчилик қисми хоналари ҳам капитал таъмирланиб, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланди. Автоуловларни назорат қилиб туриш мақсадида бошқарма балансидаги барча хизмат автомашиналарига GPS қурилмаси ўрнатилди.

– 2020 йил давомида бошқарма ходимлари Тошкент вилоят ИИББ соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда жами 67 та жиноятнинг иссиқ изида очилишида иштирок этди, – дейди Вилоят Қўриқлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари подполковник Отабек Абобакиров. – Ушбу жиноятларнинг 6 таси шахсан қўриқлаш бошқармаси ходимлари томонидан очилди. Масалан, ўтган йилнинг 19 декабрь куни соат 03:10 да Тошкент вилояти Қўриқлаш бошқармасининг Қибрай тумани техник қўриқлаш пунктига туманнинг Алишер Навоий кўчаси 63-уйида яшовчи Р.В. хонадонидан ташвиш хабари келиб тушди. Хабар бўйича воқеа жойига тезда етиб борган 1-алоҳида батальон ходимлари: ТҚП бошлиғи, лейтенант Меҳриддин Раҳматов, сафдорлар Илҳом Расулов ва Ҳамроз Ҳакимхўжаев ҳунук манзаранинг устидан чиқишди. Шу кўчанинг бошқа бир хонадонида яшовчи фуқаро А.Н. қўшнисининг уйига девор ошиб кириб, у-бу нарсаларни ўғирлаётган экан. Хуллас, жиноят «иссиқ изида» фош этилди.

Мана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вилоятдаги кўплаб хонадонлар, давлат идоралари, бозорлар, корхоналар, дам олиш ва кўнгилочар масканлар, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ёқилғи қуйиш шохобчалари назорати кучайтирилди. Жами 13 758 та объектга 44 696 та видеокамералар ўрнатилди.

Хуллас, халқ мулки, объектлар ишончли қўлларда.

**Абу КЕНЖАЕВ,
«Postda» фотомухбири.
Муаллиф олган суратлар.**

ЖАРАЁН

# СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

**Маълумки, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз ўзининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам ана шу ислоҳотларни изчил давом эттиришнинг устувор йўналишларини белгилаб бердилар.**

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, сўнгги 4 йил давомида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш борасида дадил қадамларни қўйдик. Бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шундай экан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар 2021 йилда ҳам изчил давом эттирилади. Негаки бу борада ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп.

Сир эмас, айни пайтгача вилоят судлари чиқарган ҳукм ва қарорлар устидан берилган шикоятлар шу судларнинг ўзида апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилар эди. Бундан буён бир-бирини такрорлайдиган суд босқичлари қисқартирилади. Одил судловга хос бўлмаган ишларни назорат тартибида кўриш амалиёти бекор қилинади.

Бундан ташқари, 2021 йилдан бошлаб фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишлари бўйича вилоят даражасидаги 3 та суд битта суд сифатида бирлаштирилади. Бу янгилик эса аҳоли ва тадбиркорларга катта қулайликларни яратади. Шунингдек, суд муҳокамасига қадар судда ишларни дастлабки эшитиш амалиёти янги тартиб сифатида жорий этилади. Бунда ишни тўхтатиш ёки тугатишга асос етарли бўлса, суд ишни аввалгидай тергов ёки прокурорга қайтармасдан, ўзининг якуний қарорини қабул қилади. Шу боис Юртбошимиз «Янги йилдан бошлаб жорий этиладиган «бир суд – бир инстанция» тамойили суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлашда бош мезон бўлиши лозим», дея таъкидлагани бежиз эмас.

2021 йил 1 январдан амалиётга жорий этиладиган энг муҳим тартиблардан баъзилари Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июль куни имзоланган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ўз аксини топган. Фармоннинг 2-бандига мувофиқ, 2021 йилдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган ҳукмлари ва қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш, апелляция тартибида кўриб чиқилган ҳукм ва қарорларни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида қайта кўриб чиқиш тартиблари жорий этилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 10 август куни имзоланган «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эса малакали ва тўлақонли тергов олиб бориш ҳамда одил судловни таъминлаш борасида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Жумладан, айбига иқрорлик бўйича келишув институтини жорий қилиш тартибини олайлик. Бу тартиб ҳар икки томонга, яъни суриштирув ва терговни олиб бораётган ходимга ҳам, суриштирув ва тергов қилинаётган шахсга ҳам манфаатли, одил битим бўлиб, қонунчиликдаги айни йўналишдаги бўшлиқни тўлдиради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, Президентимизнинг галдаги Мурожаатномаси ҳам қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари олий қадрият эканлигини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, Юртбошимизнинг Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригида қайд этилганидек, Ўзбекистон фуқаролари ҳамиша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади.

**Баҳром БЕРДИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг судьяси.**

ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИКА ХИЗМАТИ

# АНИҚЛИКНИ ХУШ КЎРАДИГАН СОҲА



Эксперт-криминалистика йўналишида фаолият кўрсатаётган ходимлар ўз соҳалари бўйича мукаммал билимга эга бўлишлари шарт. Зеро, жиноятчи томонидан қолдирилган ҳар қандай ашё жиноятни фош этишга хизмат қилиши мумкин. Чунончи, ўтган йилнинг 2 июль куни Жиззах шаҳрининг Маданият маҳалласида қотиллик рўй берди. Ички ишлар органлари ходимлари воқеа жойига етиб борганида кўп қаватли уй балконида бўйнига пичоқ билан жароҳат етказилган аёл жасадини кўрдилар. Танада қўл зарбаларидан ҳосил бўлган кўкаришлар ҳам мавжуд эди.

Соҳавий хизматлар ходимлари жиноятни фош этиш юзасидан зарур чораларини кўра бошладилар. Жумладан, Жиззах вилояти ИИБ Эксперт-криминалистика бўлими ходими ҳам жиноят жойида қолдирилган бармоқ изларидан нусха олди. Айни шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, вилоятнинг Шароф Рашидов туманида яшовчи жиноятчи ушланди.

Умуман олганда, вилоят ИИБ Эксперт-криминалистика бўлими ходимлари томонидан ўтган йили 2446 ҳолатда ашёвий далиллар олиниб, улар асосида 1164 та судга оид, яъни бармоқ излари, қурол-яроғ, автотехника, гиёҳвандлик воситалари, махсус кимёвий моддалар, хатшунослик, ҳужжатларнинг техник криминалистикаси ҳамда портретга доир экспертиза хулосалари тайёрланди. Шунингдек, 969 та ҳолат бўйича текшириш ўтказилган.

Бундан ташқари, ўзи ҳақида маълумот бера олмайдиган 1 киши ҳамда кимлиги номаълум 7 та мурданинг шахсига ойдинлик киритилди. Гумонланувчи томонидан қолдирилган бармоқ излари асосида 20 та жиноят «иссиқ изида» очилган. Бу ишларга уйғун тарзда бўлимни замонавий ускуналар билан таъминлаш ҳамда ходимлар учун қулай хизмат шароитларини яратиш чоралари кўрилаётир.

– Яқинда шахсий таркибимиз янги бинога кўчиб ўтди, – дейди вилоят ИИБ Эксперт-криминалистика бўлимининг криминалистик экспертиза ва ҳисобга олиш гуруҳи катта эксперти, майор Келдиёр Алибеков. – Бу ерда 2 та тадқиқот хонаси юзага келтирилган бўлиб, барча зарурий ускуна ва қурилмалар билан таъминланган. Ўтган йилда Ғаллаорол тумани ИИБ эксперт-криминалистик гуруҳига тегишли хоналар ҳам таъмирдан чиқарилиб, компьютер жамланмаси билан таъминланди. Арнасой, Зафаробод, Янгиобод туманлари ички ишлар бўлимларида эксперт-криминалистика гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди ва зарурий ускуналар ажратилди.



Ўтган йили бўлим ходимлари томонидан пиротехника буюмларини тадқиқ этиш ўзлаштирилди ва бу борадаги дастлабки синовлар ўтказилди. Бундан ташқари, юридик шахслар учун хатшунослик ва ҳужжатларни техник-криминалистик экспертизадан ўтказиш бўйича пуллик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Бўлимда терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш давомида олинган ҳамда ихтиёрий равишда топширилган ўқотар қурол ва ўқ-дориларни баллистик экспертизадан ўтказиш учун барча шароитлар мавжуд.

Худди шундай, аниқ режа асосида бўлим ходимларининг билимини ошириш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, соҳа вакиллари ИИВ томонидан ташкил қилинаётган ўқувларда қатнашиб, ўз малакаларини оширишаяпти. Шунингдек, тажрибали эксперт-криминалистлик ёш ходимларга мураббий сифатида бириктирилган. Табиийки, булар ҳаммаси вилоятда жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш ва жазо муқаррарлигини таъминлашга доир жараёнларга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*

НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ

# БЕДОРЛИК ОҒУШИДАГИ МАСКАН

**Эрталабки йўриқномадан сўнг хизматга киришган Қарши шаҳар ИИОФМБ Ташкилий бўлими навбатчилик қисми ходимлари катта инспектор-навбатчиси, капитан Ҳабибулла Муҳаммадиев, унинг ёрдамчиси, сафдор Суҳроб Қаршиев раҳбарият томонидан берилган топшириқларни шаҳарнинг турли ҳудудларида хизмат ўтаётган ходимларга етказишдан бошлади. Кўп ўтмай жойлардаги криминоген вазият ҳақидаги хабарлар қабул қилиниб, тегишли тартибда тезкор чоралар кўрилди.**



Қарши шаҳар ИИОФМБ ҳамда унинг таркибидаги 1, 2, 3, 4-сонли ички ишлар бўлимларида хизмат қилаётган навбатчилик қисми ходимлари шаҳарда тинчлик ва осойишталикни, фуқаролар хотиржамлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаб, осойишталик барқарорлигига ўз ҳиссаларини қўшиб келаётир. Улар соҳавий хизматлар ходимлари фаолиятини мувофиқлаштириб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва содир этилганларини «иссиқ изида» фош этиш, энг муҳими, жамоат тартибини сақлаш учун куну тун хизмат қилишмоқда.

Ўтган йилда навбатчилик қисми томонидан жойларга тегишли кўрсатма ва топшириқларни етказиш, содир этилган жиноятлар ҳақидаги 5829 та хабар қабул қилиниб, 500 маротаба тергов-тезкор гуруҳи воқеа жойига сафарбар қилинган. Натижада 600 га яқин хабарлар асосида жиноят иши қўзғатилган.

Ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислоҳотлар Қарши шаҳар ИИОФМБ ТБ навбатчилик қисмида ҳам ўзини кўрсатди. Ўтган йилда навбатчилик қисми жорий таъмирдан чиқарилди. Ходимлар учун кенг, шинам хизмат ва дам олиш хоналари, ҳуқуқий, бадиий адабиётлар бурчаги ташкил этилди.

Бундан ташқари, компьютер, алоқа ва автотранспорт воситалари билан жиҳозланди. Мунтазам гавжум бўладиган бозорлар, супермаркетлар, йўловчилар кўп юрадиган марказий кўчаларга видеокузатув мосламалари ўрнатилди ва Қарши шаҳар ИИОФМБ Ситуацион марказига интеграция қилинди.

Натижа эса кутилганидан ҳам яхши бўлди. Содир этилган аксарият жиноятлар видеокузатув мосламалари орқали фош этилмоқда. Жумладан, ўтган йил 18 декабрь куни соат 18:45ларда жабрланувчи Қарши шаҳар Пахтазор миттитуманидаги «Кристал» кафеси ёнига қўйган «Нексия» автомашинасидан «Samsung J5» русумли телефон, антирадар ва 468 минг сўм пул ўғирлаб кетилганлиги тўғрисида хабар беради. Ҳолат юзасидан суриштирув бошланди. Воқеа жойига яқин масофада ўрнатилган видеокузатув мосламалари хотирасини текширган бошқарма 3-сонли ИИБ ЖҚГ тезкор вакили, катта лейтенант Ш.Ғойимов бу жиноятни сурхондарёлик Б.С. содир этганини аниқлади. Ундан ўғирланган буюмлар ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинди. Айни пайтда мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

– Қарши шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, тарихий обидаларнинг қайта тикланиши бу масканга меҳмонлар ва сайёҳлар сонини сезиларли даражада оширди. Одина, Кўкгумбаз жоме масжидлари, Қашқадарё кўприги, Хўжаи Жарроҳ зиёратгоҳи туристларни ўзига жалб этиб келмоқда. Бу эса осойишталик посбонларининг зиммасидаги масъулиятни ҳам бирмунча кучайтирди, – дейди бошқарма Ташкилий бўлим бошлиғи, майор Шерзод Мансуров.

Ҳозир Ситуацион марказда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Сўнгги русумдаги янги технологиялар билан жиҳозланаётган марказ келгусида жиноят ва ҳуқуқбузарликларни аниқлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қашқадарё вилояти.*

АСПЕКТ МЕДИЦИНЫ

# Здоровье – в приоритете

**Специалисты медицинского отдела УВД Хорезмской области заботятся о здоровье сотрудников правоохранительных органов, их семей и ветеранов сферы. В настоящее время в учреждении функционируют отделы терапии, физиотерапии, неврологии, приема и диагностики пациентов, санитарно-эпидемиологического надзора, на контрактной основе – отдел профилактической дезинфекции, военно-медицинская комиссия.**



Госпиталь, рассчитанный на 60 коек, оснащен современным медицинским оборудованием, в нем созданы все условия для восстановления здоровья пациентов. Особое внимание уделяется постановке точного диагноза, лечению. Врачи и медсестры работают над искоренением факторов, негативно влияющих на здоровье сотрудников правоохранительных органов. Квалифицированные специалисты выезжают в городские и районные подразделения, где, в соответствии с установленным планом, проводят медицинский осмотр сотрудников с целью профилактики и защиты их здоровья, дают необходимые консультации. Помощь оказывается ветеранам системы, инвалидам и членам семей погибших при исполнении служебных обязанностей стражей порядка. Им выдаются путевки в отечественные санатории.

Врачи медотдела прилагали все усилия к борьбе с COVID-19, предотвращая его распространение, лечили инфицированных пациентов. Они самоотверженно боролись с болезнью, рискуя жизнью и здоровьем, за что многие были поощрены руководством.

– Врач всегда должен быть начеку, – говорит старший специалист областного медицинского отдела капитан Мурод Хаитов. – Мы должны, при появлении неизвестных заболеваний, уметь защитить от них население. С целью повышения профессиональных знаний, улучшения навыков, своевременного информирования об имеющихся в медицине нововведениях были организованы учебные курсы. На тренинги приглашаются самые опытные специалисты, которые проводят обучение и практические занятия. Эффективно налажено научно-практическое сотрудничество с областными и республиканскими медицинскими учреждениями. Кроме того, наши врачи регулярно повышают квалификацию за границей, перенимают опыт зарубежных коллег. К примеру, врачи медицинского отдела УВД Хорезмской области психиатр Гульшода Хаитова и невролог Нигора Юлдашева повышали квалификацию в Институте интегративной семейной терапии в Москве, они были слушателями 100-часового спецкурса «Новые современные методы лечения внутренних болезней». Надо сказать, что это стало большим подспорьем во время пандемии. Подобное тесное сотрудничество играет важную роль.

В медицинском отделе УВД Хорезмской области принимаются меры по укреплению материально-технической базы и дальнейшему усилению правил безопасности. Особое внимание уделяется установке камер видеонаблюдения, используются инновационные технологии. Все это служит укреплению здоровья населения.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**корреспондент «Postda».**

***На снимке:*** *врач-невролог Нигора Юлдашева осматривает пациента.*

**Фото автора.**

*Хорезмская область.*

ОТКЛИК

# ИСКОРЕНИТЬ БЕСЧЕЛОВЕЧНОЕ ЯВЛЕНИЕ

*«Необходимо кардинально пересмотреть с целью совершенствования систему предотвращения пыток в оперативно-розыскной деятельности, органах следствия и исполнения наказаний. Абсолютно справедливо, что подобные случаи, которые до сих пор имеют место, вызывают серьезное возмущение граждан и вредят международной репутации нашей страны».*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ.**

**Безусловным показателем правового государства является степень защиты свободы и личной неприкосновенности человека.**



В Республике Узбекистан последовательно осуществляются меры по выполнению международных обязательств в сфере обеспечения прав и свобод человека, в том числе в области создания организационно-правовых условий для недопущения такого крайне негативного и бесчеловечного явления, как пытки.

Пытки являются преступлением в соответствии с принципами международного права, они строго запрещаются и не могут быть оправданы ни при каких обстоятельствах.

Законом «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием мер по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебно-следственной деятельности» от 4 апреля 2018 г. усилена ответственность за применение пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания. Положения данного Закона отражены в Уголовном кодексе страны, статья 235 которого предусматривает суровое наказание за данные деяния.

Жертва пыток, как и любая жертва преступления, имеет право на получение справедливой и адекватной компенсации в соответствии с законодательством. В общих положениях Гражданского кодекса Республики Узбекистан закреплено, что лицо, право которого нарушено, может требовать полного возмещения причиненных ему убытков. В соответствии со статьей 1021 ГК лица, подвергшиеся пыткам, имеют право на компенсацию морального вреда.

Создание системы народных приемных, Службы по защите прав граждан, контролю и координации работы с обращениями физических и юридических лиц Администрации Президента Республики Узбекистан, осуществляющих мониторинг эффективности рассмотрения жалоб граждан, способствует своевременному и беспристрастному расследованию сообщений о любых противоправных действиях, касающихся нарушения прав и свобод человека.

В системе правоохранительных органов Узбекистана особое внимание уделяется неукоснительному выполнению требований Конвенции ООН против пыток. Следует отметить тот значимый факт, что сотрудники ОВД в ходе переаттестации, при назначении на новую должность обязаны пройти аттестацию на знание международных стандартов в области прав человека, в том числе и положений Конвенции против пыток.

В целях обеспечения правовой защиты задержанных и подозреваемых Следственным департаментом МВД Узбекистана совместно с Палатой адвокатов разработано и внедрено в практику Положение о порядке обеспечения права на защиту задержанных, подозреваемых и обвиняемых на стадии доследственной проверки и предварительного следствия. В результате введения этого Положения осуществляется соответствующий контроль за профессиональной деятельностью должностных лиц ОВД, позволяющий пресекать незаконные действия в отношении задержанных, подозреваемых и обвиняемых.

Таким образом, в нашей стране предприняты решительные шаги по надежной защите свободы и личной неприкосновенности человека. При этом деятельность по дальнейшему укреплению законодательных и институциональных основ ее обеспечения не прекращается. Акцентируя внимание на данном положении, глава государства в Послании Олий Мажлису отметил: «Мы продолжим наши реформы, направленные на обеспечение защиты прав и свобод человека, верховенства закона». Президент подчеркнул необходимость пересмотра системы предотвращения пыток в оперативно-розыскной деятельности, органах следствия и исполнения наказаний. Поручено в ближайшее время разработать предложения по расширению полномочий Омбудсмана в области предотвращения пыток, а также усиления общественного контроля в этой сфере, налаживания системы ежеквартальных мониторинговых посещений следственных изоляторов и пенитенциарных учреждений при участии представителей общественности. «Палатам Олий Мажлиса следует ежегодно заслушивать отчет Уполномоченного по правам человека о предотвращении пыток и определять необходимые меры по полному искоренению этого крайне негативного явления», – подчеркнул Президент.

Каждый представитель правоохранительных органов должен глубоко осознавать, что пытки – это посягательство на личные права человека, на его достоинство, жизнь и здоровье, за применение пыток предусматривается ответственность должностных лиц и наступает ответственность государства перед международным сообществом.

**Алимжан МАТЧАНОВ,**
**доктор юридических наук,**
**профессор,**
**подполковник.**

БУНЁДКОРЛИК

# ҒАМХЎРЛИК ФИДОЙИЛИККА УНДАЙДИ



**Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида ҳарбий хизматчилар учун ҳам қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Яқинда ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли Наманган вилояти Поп тумани Уйғурсой шаҳарчасида жойлашган 7552-ҳарбий қисм биносининг янгидан қурилиб фойдаланишга топширилиши ҳам юқоридаги фикрларимиз тасдиғидир.**



Ушбу ҳарбий хизматчилар учун барча шароитларга эга бўлган 200 ўринли ётоқхона, тиббиёт пункти, спорт зали, кутубхона, фуқароларни қабул қилиш хонаси, жанговар тайёргарлик бўйича машғулотлар ўтказиладиган ва руҳий енгиллаштириш хоналари, маданият маркази, хизмат итлари шаҳарчаси, автосарой, футбол ва волейбол майдончалари ҳамда замонавий ахборот-коммуникацион воситалари билан жиҳозланган бошқа биноларни ўз ичига олган.

– Тиббиёт масканида хизмат олиб бораётган малакали врач ва ҳамширалар ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконига эга бўлишди, – дейди тиббиёт пункти бошлиғи, тиббиёт хизмати катта лейтенанти Лазизбек Ҳакимов. – Бу ерда алоҳида эътиборга муҳтож беморлар учун интенсив палаталар ҳам мавжуд бўлиб, улар энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган.

– Ҳарбий хизматчилар учун яратилган бундай қулай шароит ва имкониятлар уларни янада ғайрат-шижоат билан хизмат қилишга ундайди, – дейди ҳарбий қисм гуруҳ командири, лейтенант Шаҳзод Убайдуллаев.

**Феруза ОТАХОНОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Наманган вилояти.*







ИККИНЧИ ИСТЕЪДОД

# ШЕЪРИЯТГА ОШУФТА КЎНГИЛ

**Осойишталик посбонлари орасида санъат ва адабиётга ошно тутинганлар ҳам талайгина. ИИВ Ахборот хизмати муҳим топшириқлар бўйича инспектори, лейтенант Шокиржон Ҳошимов ҳам ана шундай шеърият ихлосмандларидан бири.**

Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида туғилиб ўсган Шокиржон ҳарбий хизматдан сўнг олийгоҳни муваффақиятли тамомлаб, ички ишлар органлари сафига қўшилди. Илк фаолиятини вилоят ИИБ Ахборот хизматида бошлаган ёш ходим 2018 йилда вазирлик томонидан ўтказилган кўрик-танловда «Йилнинг энг яхши телевизион материали» йўналишида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, вилоят телерадиокомпанияси томонидан эфирга узатиладиган «Навбатчилик қисми» хабарлар дастурининг ҳам муаллифи сифатида унинг 100 дан ортиқ сонини тайёрлади.



Ш. Ҳошимов юртимиз марказий телеканалларида ҳам доимий равишда ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритиш ва тарғиб қилишда фаол иштирок этиб келмоқда. Шу билан бирга, ички ишлар органларига бағишланган ўнлаб видеоролик, таҳлилий кўрсатувлар ҳамда информацион лавҳаларга муаллифлик қилмоқда.

Адабиётга, айниқса, шеъриятга меҳр қўйган осойишталик посбони хизматдан бўш пайтларида қалб кечинмаларини қоғозга туширади. Қуйидаги шеър ёш истеъдод соҳибининг она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ва садоқатининг ёрқин ифодасидир.

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

## ОНА ВАТАН

*Сенинг тонгдан таралган хуш*
*ифорларинг қадрли,*
*Қадам боссам, қадрим ортган*
*гулзорларинг қадрли,*
*Ниҳолларинг қадрлидир,*
*чинорларинг қадрли,*
*Тошу тупроқ ҳатто чангу*
*ғуборларинг қадрли.*

*Бахтдан масрурман бағрингга*
*қўйганимда пешонам,*
*Сен менинг илк қадамжойим,*
*сен менинг илк остонам.*
*Онам каби куюнчаксан*
*атрофимда парвонам,*
*Жоним қурбон бўлсин сенга,*
*жаннатмонанд кошонам.*

*Дарё бўлсанг, ўзанингга*
*қуйилгувчи ирмоқмиз,*
*Уммон бўлсанг, тўлқинларга*
*кўксин тутган қирғоқмиз.*
*Осмон бўлсанг, бағрингдаги*
*ёнаётган чақмоқмиз,*
*Ёдинг бирла тирикдирмиз,*
*ёдинг бирла уйғоқмиз.*

МУЛОҲАЗА

# ТЕЛЕФОН ОВУНЧОҚ ЭМАС

## ёхуд болалардаги қарамлик оқибатлари



Болаликдан китобга меҳр уйғотиш, мустақил фикр ва кенг дунёқарашни шакллантириш ёшларнинг ҳаёт йўлларида мустаҳкам замин бўлади. Бу аён ҳақиқатни ҳар биримиз шоён, деб биламиз. Бироқ... бироқ фарзандим жим ўтирсин деб, аксарият ота-оналар боласини мобиль телефон ёки компьютер воситаси билан банд қилиб қўйишини ҳам кўп кузатганмиз. Тўғри, ҳозир юксак технологиялар ривожланган замонда яшаяпмиз. Бу ҳақиқатдан ҳам кўз юма олмаймиз. Аммо, энг қизиғи, йиғлаб турган гўдакнинг қўлига мобиль телефонни тутқазсангиз, дарров овунади. Лекин телефонни овунчоқ деб билган ота-оналар келажакда фарзанди дуч келадиган салбий оқибатлар ҳақида ҳеч ўйлаб кўришганмикан?

Бу масаланинг қанчалик муҳим ва долзарб эканлигини тасаввур қилиш учун яқинда Президентимиз раислигида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида билдирилган фикрлар мағзини яна бир бор чақиб кўриш керак. Зеро, унда бугун болаларимизни ота-она, боғча, мактаб ёки институт эмас, аксарият ҳолларда, қўлидаги телефон «тарбиялаётгани» куюнчаклик билан қайд этилди.

– Мобиль телефон энди оддий алоқа воситаси эмас, кўпинча ёт мафкурани тарқатадиган қуролга айланмоқда. Маънавиятимизга мутлақо бегона бўлган зарарли ғоялар чегарани бузмасдан, билдирмасдан хонадонимизга, жамиятимизга кириб келаяпти. Буларнинг барчаси биз учун огоҳлик қўнғироғи бўлиб янграши зарур. Биз – ғурури баланд халқмиз. Мана шу бойлигимизни йўқотиб қўймаслигимиз керак, – деди Президент.

Агар мутахассислар фикрига қулоқ тутадиган бўлсак, боланинг тили чиқмагунига қадар унга телефон, компьютер воситаларини бериш мутлақо мумкин эмас. Чунки кичиклигидан экранга қарашни одат қилган боланинг тили кеч чиқади, гапиришга қийналади ва атрофдагилар билан мулоқот қила олмайди. Унда логопедик муаммолар юзага келади.

Бола асабийлашганда, «экран» билан уни овутмаслик эса ниҳоятда муҳим. Бунга одатланиб қолган бола катта бўлганида, ҳаётда учрайдиган қийинчиликларга дуч келганида, ўз кучи билан уларга бардош бера олмай, бошқа бирон нарса (ичкилик, компьютер ўйинлари, наркотик)дан малҳам излайди. Ваҳоланки, бола асабийлашиб, қийинчиликни бошидан кечираётган пайти унга онанинг эътибори талаб этилади, компьютер ёки телефон экрани эмас. Ўз вақтини ва сабрини қизғонган онагина боласига телефон ёки компьютер тутқазиб қўяди. Шу йўл билан у боланинг ҳаётда кучли бўла олиш, қийинчиликларни енгиш қобилиятига қаттиқ зарба берган бўлади.







Шуни ёдда тутиш керакки, болани ҳеч қачон компьютер ўйинлари ривожлантирмайди. Гаджетлар ёрдамида боласининг миясини чархламоқчи бўлган ота-оналар мутлақо янглишади. Болани кичиклигида мулоқот, суҳбат, қўли билан ушлаш, ҳис этиш, эшитиш, кўриш каби сезгилар ривожлантиради. Бола экрандан маълумот олишга, ўйинлар орқали бирон вазифани бажаришга ўрганиб қолса, унинг ҳаётга, жамиятга мослашиши жуда қийин кечади. Экранда уддалай олган вазифани ҳаётда умуман бажара олмайди. Чунки у экран билан мулоқот қилишга ўрганиб қолган.

Бундан ташқари, Америка педиатрия уюшмасининг таъкидлашича, компьютер ўйинлари ва мобиль гаджетлар орқали боланинг ривожланиш даражаси пасаяди. Чунки боланинг экранга тикилиб ўтириши натижасида унинг асаблари бузилади. Бола ўзи сезмаган ҳолда, қаттиқ чарчайди, лекин экрандан ўзини олиб қоча олмайди. Натижада унда асабийлик, зардаланиш, ғижиниш ва баъзан агрессия ҳам ривожланади.

Компьютер ўйинлари ва гаджетларга боғланиб қолган бола ҳаётдаги машғулот ва ўйинларда ўзини яхши намоён эта олмайди. Унинг реакцияси фақат экрандаги вазифаларга боғланиб қолгани учун ҳаётий ҳолатларнинг уддасидан чиқа олмайди. Шу билан бирга, спорт билан шуғулланаётганда ҳам қийналади.

Баъзи тадқиқотлар яқин йилларда болалар ва ўсмирлар орасида кенг тарқалаётган семизлик сабабини ҳам мобиль ва компьютер воситаларидан кўришмоқда. Бола кўчада чопиб ўйнашдан, экранга соатлаб термулиб ўтиришни афзал кўра бошлайди. Натижада унинг модда алмашинуви тизими ишдан чиқади ва жадал тарзда семизлик ривожлана бошлайди.

Яна бир салбий оқибат: бола ҳақиқий гўзаллик нима эканлигини сезмай қолади. Экранда кўраётган суратларга ўрганиб қолган бола табиатни, қуш ва гулларни, умуман, борлиқдаги гўзалликни кўрса-да, ҳис этмайди. Унинг кўзидаги кўринмас парда экрандаги суратларни намоён этаверади.

**Тадқиқотчиларнинг фикрича, ўн ёшга тўлмаган болада мобиль телефонларнинг таъсири натижасида мияда бўладиган патологик бузилишлар катталарникига нисбатан тезроқ ва кенгроқ юзага келар экан. Бу эса келажакда жиддий касалликларга сабаб бўлиши мумкин.**

Мобиль воситалар орқали интернетга ҳам қарам бўлиб қолиш мумкин. Қисқа маълумот, тез алмашувчи суратларга ўрганган бола, китоб ўқий олмайди, бундан ташқари, узоқ муддат бир жойга диққатини йиға олмайдиган бўлиб қолади.

Мутахассислар фикрича, болага чегараланган ҳолда компьютер ва мобиль воситалардан фойдаланишга рухсат бериш мумкин. Лекин бунда боланинг ёши алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан:

**бола 7 ёшга тўлгунига қадар мобиль ва компьютер воситаларидан умуман фойдаланмаслиги керак;**

**бола 7 ёшдан 12 ёшига қадар экран (телевизор, планшет, мобиль телефон ва ҳоказолар)дан кўпи билан 2 соатгача фойдаланиши лозим;**

**ўн икки ёшдан сўнг мобиль ва компьютер воситаларидан фақат ўқиш, билим олиш ёки дарс қилиш воситаси сифатида кунига кўпи билан 2–3 соат фойдаланса зарар қилмайди.**

Хулоса қилиб айтганда, ялтираган нарса олтин бўлмаганидек, ҳар қандай янгиликка муккасидан кетиш, унга бўлган қизиқишни суиистеъмол қилиш яхшиликка олиб келмайди.

**Гўзал ЖАФАРОВА.**

ҲИКМАТ



*Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.*

**«Темур тузуклари»дан.**



ҲИКМАТ

Postda
На посту



# Детская страничка



## ФЛИКЕР – ДЕТЯМ ЛУЧШИЙ ДРУГ!

**Дорогу, по пешеходному переходу, даже днём, пересекать нужно предельно внимательно! Что уж говорить о тёмном времени суток, когда ситуация осложняется плохой видимостью. Поэтому, чтобы обезопасить детей, их нужно обеспечить светоотражающими элементами (фликерами). Это поможет значительно снизить детский травматизм, так как ребенок будет хорошо виден в темноте, зимой, в пасмурную или дождливую погоду.**

### СВЕТОВОЗВРАЩАТЕЛИ БЫВАЮТ:




Фликеры можно приобрести и пришить самостоятельно. Их цветовая гамма и дизайн разнообразны, они совершенно не портят внешний вид. Представляют собой наклейки или значки, легко крепятся к одежде. «Весёлые картинки» наверняка понравятся ребенку.

Благодаря светоотражающим элементам, водитель может заметить детей на расстоянии до четырехсот метров, что снижает риск наезда в тёмное время суток в восемь–десять раз.

В странах, где использование фликеров введено в обязательном порядке, детский травматизм на дорогах снизился в 6–8 раз. Это очень важно, потому что светоотражающий элемент – не просто блестящий значок, он помогает детям вырабатывать такие черты характера, как осторожность, внимательность, сосредоточенность.

Принцип действия фликера состоит в следующем: свет, попадая на ребристую поверхность из специального пластика, концентрируется и отражается в виде узкого пучка. Когда фары автомобиля «выхватывают», пусть даже маленький, световозвращатель, водитель издалека видит яркую световую точку. Поэтому шансы, что пешеход будет замечен, увеличиваются во много раз.

Фликеры лучше нашивать на ремень, пояс, пуговицу, на уровне бедра, нарукавные повязки и браслеты так, чтобы они не были закрыты при движении и способствовали зрительному восприятию. Рекомендуется наносить их в виде горизонтальных и вертикальных полос на полочку, спинку, внешнюю часть рукавов, нижнюю наружную часть брюк, а также на головные уборы, рукавицы, обувь.

Уважаемые родители!

Научите ребёнка соблюдать правила дорожного движения. Побеспокойтесь о том, чтобы сын или дочь «засветились» на дороге. Примите меры к тому, чтобы на их одежде имелись светоотражающие элементы. Помните: в тёмной одежде водитель просто не видит маленького пешехода, а значит, велика опасность наезда.






## Перекрёсток

**Впиши в каждую из свободных клеток по две буквы, чтобы в каждом случае можно было прочесть два слова по горизонтали и вертикали.**

| | ла | | | | ло | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| во | до | ём | | от | | рм |
| | нь | | | | ть | |

| | бо | | | | лю | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ко | | на | | ра | | та |
| | да | | | | вь | |

| | ме | | | | по | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| по | | ха | | су | | об |
| | ор | | | | ом | |

| | пр | | | | ра | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| эт | | ет | | ро | | на |
| | ол | | | | ус | |



### Лабиринт Буквоёжика

Буквоёжик любит читать! Помоги ему пройти по лабиринту в библиотеку, собрав из букв известную фразу Максима Горького.



### РАСКРАСКА



СЛЕДСТВИЕ ВЕДУТ ЗНАТОКИ

# КОЛЛЕГИ ЦЕНЯТ ЕГО ЗА ПРОФЕССИОНАЛИЗМ

**Один из самых холодных дней зимы. Время около 10.30. В дежурную часть ОВД Ангорского района Сурхандарьинской области поступило сообщение о том, что в многоэтажном жилом доме убита некая Зульфия Расулова (имя и фамилия изменены).**



Оперативно-следственная группа во главе с тогда еще лейтенантом Обидом Гойибкуловым немедленно прибыла на место происшествия. Был произведен осмотр места преступления, опрошены соседи, которые отметили, что убитая проживала одна, поскольку ее дети перебрались в областной центр. Они были встревожены тем, что женщина долгое время не выходила на улицу. Когда подошли к ее двери, почувствовали неприятный запах, исходящий изнутри квартиры, и сразу же вызвали сотрудников органов внутренних дел.

В ходе расследования было установлено, что погибшая давала людям деньги под проценты. Данная информация сыграла важную роль в раскрытии преступления.

В доме убитой обнаружили записную книжку со списком лиц, которым она ссуживала деньги. Отсутствие двух листов в записной книжке, а также мобильного телефона, принадлежавшего женщине, вызвало у следователя подозрение, что убийство мог совершить один из заемщиков.

В установленном порядке был проверен номер телефона погибшей и начаты поиски пропавшего мобильника. В результате было установлено, что с момента смерти Расуловой ее телефоном уже пользовались. Выявленных граждан следователь вызвал для беседы. Практически все они заявили, что приобрели данный телефон и снова его перепродали.

Дальнейшее расследование вывело на парня, занимавшегося продажей бахчевых на рынке. Он сказал, что телефон дала ему мать. В ходе допроса женщина заявила, что нашла мобильник в разобранном виде рядом с забором соседа. Когда она подняла его и собрала, телефон заработал. Мобильник она отдала сыну. «Больше я ничего не знаю...», – произнесла женщина.

Однако, уже собираясь покинуть кабинет следователя, она все же решилась сказать, что когда шла отгонять скот, молодой человек, снимающий комнату у соседа, спросил у нее, не находила ли она здесь телефон. «Я сказала, что не находила», – поведала женщина.

... Уроженец Самарканда, войдя в кабинет следователя, на вопрос, знает ли он, почему его вызвали, ответил: «По факту убийства Зульфии Расуловой...»

Подозреваемый сознался в совершении преступления, а затем подробно изложил, как все происходило. Когда его дед, проживавший в Самаркандской области, заболел, для лечения молодой человек занял деньги у З. Расуловой. Не имея возможности выплатить долг, он решил пойти на совершение ужасного преступления.

Молодой человек достал из кармана два сложенных листа и передал их следователю. Это были недостающие листы из записной книжки З. Расуловой со списком должников. Таким образом, следователем О. Гойибкуловым было раскрыто еще одно преступление.

* * *

В юности Обид Гойибкулов, мечтавший стать врачом, просматривая телепередачу на правовую тематику, был восхищен знаниями и уровнем подготовки участвовавшего в ней следователя. Это восхищение не покидало его и постепенно изменило выбор будущей профессии – он решил стать стражем порядка. Данное решение привело юношу в Академию МВД, которую он, кстати, окончил с дипломом отличия по направлению «Следственная деятельность».

Службу Обид Гойибкулов начал с должности следователя следственного отделения при ОВД Ангорского района. Молодой сотрудник, настроенный верой и правдой служить Родине, под руководством опытного наставника подполковника Сирожиддина Нурматова неутомимо работал над собой, в совершенстве овладевая профессией.

Его целеустремленность и трудоспособность были замечены руководством – его перевели на должность следователя отделения по расследованию дорожно-транспортных происшествий Следственного управления при УВД области, а позже назначили начальником данного отдела.

В настоящее время майор О. Гойибкулов самоотверженно служит следователем по особо важным делам отдела расследования преступлений, связанных с наркотиками и организованной преступностью Следственного департамента при МВД.

– Моя главная задача – вести непримиримую борьбу с преступностью, обеспечивать верховенство права и неотвратимость наказания в отношении тех, кто преступил закон, – говорит О. Гойибкулов.

За период служебной деятельности наш герой расследовал около тысячи уголовных дел, при этом представленные им материалы практически не направлялись на повторное расследование, что является свидетельством высокого профессионализма.

Талантливый следователь, обретший опыт и знания при помощи своих учителей, сегодня сам является наставником. Его ученики капитаны Азамат Хуррамов, Фозил Холмуминов и другие сотрудники.

– От наставника я получил не только профессиональные знания, но и уроки жизни, – говорит Азамат Хуррамов. – Они помогают мне в служебной деятельности.

В свободное время неутомимый Обид Гойибкулов читает специальную и художественную литературу. Спорт для него – любимое занятие.

Герой нашего повествования – примерный семьянин. Его супруга, Мухайё Кузимурадова, – педагог, преподает английский язык в общеобразовательной школе. Супруги воспитывают двоих детей, прилагают все силы к тому, чтобы они выросли хорошими людьми, достойными гражданами своей страны.

**Михли САФАРОВ,**
**корреспондент «Postda».**

СЛУЧАЙ

# «Дружеская» посиделка



...Расула Ганиева «штормило». Он с большим трудом добрался до небольшого кафе, расположенного рядом со столичным Мирабадским рынком, где его давние знакомые, Виктор Шмелев и Станислав Штерн (тоже, кстати, из разряда бездельников, дармоедов и любителей алкоголя), попивали пивко, беседуя на самые разные темы.

Эта встреча стала роковой, потому что спустя примерно полчаса, из-за пустяка, между Расулом Ганиевым и Виктором Шмелевым возникла яростная перепалка, перешедшая в безобразную драку, с откровенной поножовщиной. Ганиев, получив пару раз камнем по голове, выхватил из кармана нож и бросился на своего обидчика...

Пытаясь защитить Шмелева от обезумевшего Ганиева, собутыльник, Станислав Штерн, как говорится, напоролся. Ничего не соображавший Расул Ганиев в порыве ярости нанес ему ножевые удары в область головы...

Неизвестно, чем бы закончилась вся эта чудовищная история, не вызови очевидцы сотрудников органов внутренних дел. Подозреваемый, с окровавленным ножом в руке, был задержан, а потерпевшие – срочно госпитализированы. Благодаря усилиям врачей, их удалось спасти.

В ходе следствия, которое проходило в СО при ОВД №2 УКД ОВД Мирабадского района столицы, Расул Ганиев полностью признал свою вину. Как сказано в обвинительном заключении, он «...своими незаконными действиями, совершил преступление, выразившееся в умышленном пренебрежении правилами поведения в обществе, сопряженным с нанесением телесных повреждений, применением холодного оружия, сопротивлением гражданам, пресекающим хулиганское поведение...»

Р. Ганиев предстал перед правосудием и вскоре понес справедливое наказание.

(Имена и фамилии вымышлены, возможные совпадения могут носить случайный характер.)

***Георгий ПЕТРОСЯН,***
***корреспондент «На посту».***

МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР

**Қадим ва навқирон Хива шаҳри неча асрлардан буён хорижликларни ўзига маҳлиё қилиб келмоқда. Ўтмишни кўз ўнгингизда намоён этувчи бу тарихий шаҳарда кишини ҳайратга солувчи саройлар жуда кўп. Улар ичида энг мафтункори Нуруллабой саройидир.**



# НУРУЛЛАБОЙ – МАФТУНКОР САРОЙ

Бу сарой ўз ҳашамати, жозибаси, кўркамлиги билан бошқа саройлардан ажралиб туради. «Ичанқалъа»да иморатлар сони кўпайиб, янги боғ-роғли жойлар қуриш имкони камайгач, Муҳаммад Раҳимхон I ўз ўғиллари Маҳмуд тўра ва Муҳаммад тўраларга шаҳарнинг ғарбий томонидан ҳовли-жойлар қуриб беради. Сайид Муҳаммад тўра хон бўлгач (1856 й), бу уйларга яқин жойда бир кўринишхона қуришни вазири Ҳасанмурод қушбегига топширади. Нуруллабой номи билан машҳур боғдаги янги иморатларнинг кунчиқар томонида қурилган бу кўринишхона жуда чиройли бўлиб, унга Огаҳий «Улуғ кўринишхона», дея таъриф берган.



Ўз даврида кўринишхонада ёз пайтида очиқ ҳавода қабул маросимлари ўтказилган. Сайид Муҳаммадхондан кейин тахтга кўтарилган ўғли Муҳаммад Раҳимхон II (1864–1910) хивалик савдогар Нуруллабойдан боғини сотишни сўрайди. Шунда Нуруллабой хонга, у аввалдан халқ ўртасида бўлиб келган «Нуруллабой боғи» номини ўзгартирмаса, сотишини айтади. Хон розилик билдиради ва боғни сотиб олади. Шундай қилиб, «Нуруллабой» номи сақланиб қолади. Муҳаммад Раҳимхон II Нуруллабой боғи ичида ўғли Исфандиёрхон учун катта бир сарой ва ҳарам (ички ҳовли) қурдиради. 1896–1904 йилларда қурилган ички сарой баланд девор билан ўралган. У тўрт қисмдан иборат бўлиб, юздан зиёд хоналар ва ҳарам (бешинчи ҳовли)дан ташкил топган. Саройга жануб томонда қурилган махсус дарвоза орқали кирилган. Дарвоза ичкарисида хон маҳкамаси, шахсий қўриқчилар учун хоналар, девонхона бунёд қилинган. Саройдаги Исфандиёр тўра учун мўлжалланган хоналарга Россиядан келтирилган чинни печлар ўрнатилган.

Феруз вафотидан сўнг тахтга чиққан Исфандиёрхон (1910–1918) ўзи учун янги услубдаги Нуруллабой саройини қурдириб, бу боғдаги қурилишларга нуқта қўяди. Янги қурилган қабулхона чет эллик меҳмонларни қабул қилиш мақсадида қурилган. Бош вазир Исломхўжа Исфандиёрнинг қабулхона қурилишига қарши чиқади. Чунки почта-телеграф ва касалхона қурилиши кечикаётган, хазинада пул кам эди. Аммо хоннинг қатъий фармонидан кейин шогирди Раҳимберган маҳрамни соҳибкор-қурилиш бошлиғи этиб тайинлайди. Москвалик меъмор А. Ропа бошчилигидаги архитекторлар Хивада бўлиб, касалхона, телеграф ва алоқа, элчиларни қабул қилиш учун меҳмонхона лойиҳасини маслаҳатлашиб кетишади.







Тез орада лойиҳа тайёрланиб, қурилиш бошлаб юборилади. 1911–1913 йилларда қурилган ушбу қабулхона қурилиши учун алоҳида пишган ғиштлар тайёрланган.

Қабулхона хоналари ички безаклари билан бир-биридан фарқ қилади.

Меҳмонхонанинг иккинчи хонаси зиёфат учун ажратилган бўлиб, ўлчамлари 8 х 14 метр, баландлиги 6 метр, тўртинчи хонада хоннинг қабулхонаси жойлашган бўлиб, бу ерда ҳар хил шартномалар имзоланган. Саккиз бурчакли юмалоқ зал, деб юритилган бу хонанинг ўлчамлари 10 метр, баландлиги етти метрдир. Хон даврида бу хонанинг ҳар бурчагида биттадан 1,5х3 метрли кўзгу қўйилган. Бу хонанинг шифти ёғочдан ишланган бўлиб, ниҳоятда усталик билан нафис геометрик шакллар ясалган ва олтин суви бериб ишланган.

Хива хонлигида яна бир янгилик, меҳмонхона учун электр қандиллари келтирилган ва улар катта ва оғир бўлганлиги учун сарой томида махсус ёғоч қурилмалар ишланган. Ана шу пирамидасимон қурилмаларга қандиллар осиб қўйилган. Қандиллардаги электр лампочкаларни ёқиш учун Хивага ўн олти от кучига эга бўлган кичкина двигатель келтирилган. Хивада биринчи марта электр лампочкасини Волга бўйидаги Сизань шаҳридан чақирилган Мусо Сабанович Янгиўразов ёққан. Бинода инқилобдан кейин ҳукумат уйи, бошқарув органлари жойлашган. Кейинги даврларда маориф уйи ва музей биноси сифатида фойдаланилган.

2017 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Нуруллабой саройи қайта таъмирланди ҳамда қўшимча бинолар бунёд этилди. Шу тариқа, яхлит бир тарихий мажмуа вужудга келди.

– Нуруллабой саройидаги қўшимча кўргазма майдонининг очилиши Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси бадиий фаолиятини янада кенгайтиришга имкон яратди, – дейди Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси бош муҳофизи Раҳима Азимхўжаева. – Шунингдек, биринчи ўзбек фото ва кинооператори Худойберган Девонов ижоди ва фаолиятига бағишланган фотогалерея, ҳунармандларнинг бебаҳо дурдоналари ҳамда рассомлар кўргазма заллари, Хиванинг қадимий буюмлари билан бир қаторда, амалий санъатнинг замонавий намуналари кўргазмаси ҳам бу ердан ўрин олган. Галерея фондида ташкил этилган ва доимий равишда янгиланиб бориладиган экспозициялар маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳларда зўр қизиқиш уйғотмоқда.

Нуруллабой саройида рассомлар учун махсус резеденция ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Бутун дунё рассомлари бу ерда яшаб, ноёб меъморий ёдгорликлар, ўзига хос анъаналар, меҳмондўст халқимизнинг урф-одатлари ҳамда кўҳна Хива шаҳрининг бетакрор кўринишларини ўз ижод намуналарида акс эттириш имкониятига эга бўлишади.

Хуллас, Нуруллабой саройи айни пайтда ҳам чет эллик ва маҳаллий сайёҳларнинг эътиборини тортаётган энг кўркам ва мафтункор саройлардан биридир.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

# ЎЗИНГНИКИ ЎЗАГИНГНИ ЎЙСА-Я...

**Халқимизда бўй етган қиз ҳақида «Тенги чиқса, текин бер» деган нақл бор. Шунинг учун хотини катта қизига синашта хонадондан совчи келаётганини айтганида, Россияда ишлаб юрган Олимбек ака (воқеа иштирокчиларининг исмлари ўзгартирилди) дарров розилик бериб юборди. Бўлажак қудаларининг қўли сал калтароқлигига ҳам, ҳали ундан каттароқ ўғли борлигига ҳам қараб ўтирмади. Хотинига «Қўявер, кам-кўстига ўзимиз қарашиб юборамиз. Ўғлимизни уйлантириш эса қочмайди. Аввал у тайинли жойда ишлаб, рўзғор тебратадиган бўлсин», деди.**



***...Меҳрихон опа етиб келганида ҳовлисида ички ишлар органи ходимлари юришарди. Уларнинг раҳбари опага «Пулларни ўғлингиз ўғирлаган экан, Айбини тан олди», деди. Опа бир чеккада бошини эгиб турган Азаматга юзланган эди, унинг боши баттар эгилди.***

Эрининг тантилиги Меҳрихон опага ёқиб кетди. Шунинг учун пахта терими мавсуми бошлангач, ҳарна, топганим рўзғорга яраб қолар деб қизлари билан теримга чиқа бошлади.

Ўша куни ҳам эрта тонгдан шоша-пиша нонушта қилиб, далага отланди. Катта қизига «Энди сен теримга чиқмай қўя қол. Ҳадемай тўйинг бўлади. Ўзингга қараб, ўсма-сурмангни қўйиб юравер», деди кулимсираб. Сўнг кичик қизи билан пахта пайкали томон йўл олди. Назокат онасининг гапидан уялиб кетган бўлса ҳам, лекин ичида қувонди.

У дастурхонни йиғиштириб олгач, ҳовлини ёғ тушса, ялагудай қилиб супуриб чиқди. Кейин ўринларни йиғиб, уйларни ҳам бир сидра супуриб-сидирди. Ойналарни артди. Сеплари орасидан ўзига жудаям ёқадиган кийимларини кийиб, ўзини ойнага солиб кўрди. Келин бўлганида шу либосларни кийиб, гул-гул яшнаб юришини кўз олдига келтириб, юраги ҳаприқиб кетди. Уй юмушларини саранжомлаб бўлгач, акаси ҳалиям ухлаб ётгани учун эҳтиёт шарт сеплари сақланаётган хонани қулфлаб, бувисидан хабар олгани кетди...

Назокат икки соатлардан кейин қайтиб келса, сеплари турадиган хона деразасининг бир кўзи синган. Эшикни очиб, ичкари кирса, тахмонга тахлаб қўйилган кўрпа-тўшаклар ерда ёйилиб ётибди. Бу манзарани кўриб юраги шув этиб кетди. Чунки яқинда отаси тўй харажатлари учун юборган 800 АҚШ долларини онаси кўрпачалар орасига яшириб қўйганди-да. Шоша-пиша кўрпа-тўшакларнинг орасини қараб чиқди. Лекин пул кўринмасди.

Аксига олиб, акаси ҳам кўчага чиқиб кетган экан. Назокат унга қўнғироқ қилиб, уйга ўғри тушганини, кўрпачалар орасидаги пулларни олиб кетганини айтди. Азаматдан тайинли гап чиқмагач, ички ишлар бўлимининг навбатчилик қисмига қўнғироқ қилиб, хонадонларида ўғрилик содир этилгани ҳақида хабар берди.

Воқеа жойига етиб келган тергов-тезкор гуруҳи аъзолари тезда ишга киришишди. Кинолог ўзига бириктирилган хизмат итига ҳид олишни буюрди. Эксперт-криминалист синган дераза ромларини, шиша синиқларини махсус воситалар ёрдамида синчиклаб кўздан кечира бошлади. Тезкор вакил қўни-қўшнилардан кўрган-билганларини суриштира бошлади. Гуруҳ раҳбари эса Назокат билан суҳбатлашгач, Азаматдан шубҳаланиб қолди. Чунки ўғрилик Назокат бувисиникига кетганидан сўнг қайтиб келгунича орадан ўтган икки соат ичида юз берган эди. Кўп ўтмай, тезкор қидирув ва суриштирув ҳаракатлари жараёнида тахмин ўз тасдиғини топди...

...Меҳрихон опа етиб келганида ҳовлисида ички ишлар органи ходимлари юришарди. Уларнинг раҳбари опага «Пулларни ўғлингиз ўғирлаган экан, айбини тан олди», деди. Опа бир чеккада бошини эгиб турган Азаматга юзланган эди, унинг боши баттар эгилди. Шунда Меҳрихон опа йилнинг бошларида ҳам кўрпаларнинг қатига яшириб қўйган 300 АҚШ доллари йўқолиб қолганини эслаб, унинг олдига бориб шивирлаб сўради:«Аввал йўқолган пулларни ҳам сен олганмидинг?» Азамат тасдиқ маъносида бош силкитиб: «Мени кечиринг, она», деди.

Хайриятки, Азамат пулларнинг 700 долларини бир таниш қизга «Ҳозирча сенда турсин», деб бериб қўйган экан. Бу пуллар Меҳрихон опага қайтарилди.

Онаизор тўққиз ой кўкси остида олиб юрган, икки йўл ўртасида туриб туққан фарзандини кечирмай қаёққа ҳам борарди. Лекин эрта-индин тўйи бўлай деб турган синглиси-чи? Йўл пулини ҳам қизимнинг тўйига деб юбориб, ўзи келолмай ўтирган отаси ўғлининг қилмишидан хабар топса, уни кечирармикан?

Қолаверса, қонун ҳам уни кечирмайди. Айбланувчига суд томонидан тегишли жазо тайинланиши муқаррар. Азамат 26 ёшида, айни куч-қувватга тўлган паллада ишлаб, пул топиб, рўзғор тебратишда ота-онасига кўмаклашиш ўрнига, уларнинг топганини ўғирлагани учун виждони қийналаётгандир? Аслида виждон азоби унга энг оғир жазо эмасми?..

**Муҳаммадсодиқ УМАРЖОНОВ,**
**Чортоқ тумани ИИБ ҳузуридаги ТБ суриштирувчиси, лейтенант.**
**Бобомурод ТОШЕВ,**
**ўз мухбиримиз.**

---

**Инсон борки хато қилади, кейин пушаймон бўлади. Энг муҳими, буни кеч бўлмасдан англаб етиб, яна тўғри йўлга тушиб олишда. Лекин ҳамма ҳам хатосини ўз вақтида билиб, бу йўлдан қайтавермас экан. Тошкент вилоятида туғилиб ўсган Даврон Насимов, Бекзод Суннатов (исм-шарифлар ўзгартирилди) ҳам муқаддам бир неча маротаба жиноят содир этганлиги учун судланган. Аммо улар бундан тегишли хулоса чиқармасдан қайта жиноятга қўл уришди.**

# ҲАМТОВОҚЛАР ФИРИБИ



Кунларнинг бирида интернет тармоғидаги интернетга кириб ўтирган Абдумавлон Зиёдов «Нексия-3» русумли автомашина суратини кўриб, уни олмоқчи бўлди. Манзил бўйича телефон рақамига қўнғироқ қилди. Телефон гўшагини кўтарган Бекзод Суннатов автомашинанинг нархи 7500 АҚШ доллари эканлигини айтди.

Эртасига Абдумавлон машинани кўриш учун Бекзоднинг уйига борди. Уловни обдон кўздан кечирди. Ҳайдаб ҳам кўрди.

– Бўлиши қанча, айтилишидан бироз тушиб берасизларми?

– Бўлишини акам билади, – деди Бекзод.

– Машина сизники эмасми? У кимнинг номида ўзи? – ҳайрон бўлиб сўради Абдумавлон.

– Машина акамники, Холамнинг номида.

– Ўзлари билан гаплашсак бўлмайдими унда? Нега сотмоқчи?

– Биз турганда холам югуриб юрмайдику. Шунчаки холам «Каптива» олмоқчи эди, пул етмаганлиги учун сотмоқчи.

Шу пайт у ерда Даврон пайдо бўлди ва суҳбатга қўшилди.

Хуллас, «Нексия» Абдумавлонга ёқди ва эртасига уста билан келиб, машинани унга кўрсатди. Уста машинанинг ҳолати яхши эканлигини айтгач, Абдумавлон бошланишига 4000 АҚШ долларини бериб, қолган 3500 АҚШ долларини 2 йил муддат ичида беришини айтганида, Бекзод ва Даврон бирданига бу таклифга рози бўлиб қўяқолди.

– Пулни нотариус ҳужжатлаштиргандан кейин бераман, – деди Абдумавлон.

Сотувчи йигитлар эса пулни ҳозироқ бериб, машинани миниб кетаверишини айтишди. Икки кунда номига расмийлаштириб беришини таъкидлашди. Абдумавлонга ҳам бу таклиф ёқди. Шундан сўнг Бекзод тилхат ёзиб бериб, 4000 долларни олди.

Абдумавлон уловли бўлганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Аммо бу узоққа чўзилмади. Тез кунда расмийлаштирилиши керак бўлган ҳужжат иши чўзила бошлади. Орадан бир ҳафтага яқин вақт ўтгандан кейин Даврон Абдумавлонга қўнғироқ қилди. «Нексия-3»га тақиқ қўйилгани учун сотиш мумкин бўлмай қолганини, унинг ўрнига «Кобальт» машинаси борлигини айтди. Бу хабардан Абдумавлоннинг кайфияти бузилди. Лекин пулни бериб қўйган, «Нексия» бўлмаса, «Кобальт»дан ҳам қуруқ қолишни истамади. Тезроқ ҳужжатлаштириб беришларини айтди. Шундан сўнг улар «Нексия»ни олиб кетишди. Шу бўйи на «Кобальт»дан, на пулдан дарак бўлди. Машина сотаётганларни умуман топиб бўлмай қолди.

Машина оламан, дея катта миқдордаги пулидан айрилиб қолган Абдумавлоннинг ички ишлар органига мурожаат қилишдан бошқа чораси қолмади.

Тергов-суриштирув жараёнида Бекзод, Даврон ва уларнинг бошқа шерикларининг яна бир қанча найранглари ҳам фош бўлди. Улар фуқаро Жасур Ўткировни ҳам чув туширишган экан. Яъни улар интернетда кредит бериш бўйича эълон жойлаштириб, «қармоқ ташлашади». Шу мақсадда қўнғироқ қилган Жасурга олмоқчи бўлган кредит суммасининг бошланғич 20 фоизини олдиндан бериш кераклигини айтишади. Бу гапга ишонган Жасур 25 миллион сўм учун бошланғич бадал сифатида 3 миллион 750 минг сўмни уларга қўшқўллаб топширади. Аммо келишилган вақт келган бўлса-да, пулдан дарак бўлавермагач, у алданганини англаб етади.

Тергов ва суд жараёнида жиноий шерикларнинг барча қилмиши ўз исботини топди ва уларга қонунда назарда тутилган жазо тайинланди.

**Шерали МУСАЕВ,**
**катта лейтенант.**
**Сарвар СОБИРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Тошкент вилояти.*

ЗДОРОВЬЕ

# 5 ВЕЩЕЙ, КОТОРЫЕ НЕЛЬЗЯ ДЕЛАТЬ СРАЗУ ПОСЛЕ ЕДЫ



**После хорошего обеда хочется выпить чаю с десертом или просто полежать на диване, а еще лучше – полчасика поспать. Оказывается, ряд вещей, которые мы привыкли делать после приема пищи, негативно отражается на нашем здоровье.**

**Итак, после еды нельзя:**

**Пить чай и прочие напитки**

В чайной заварке, к примеру, имеется значительное количество кислот, затрудняющих переваривание белка, полученного вместе с едой. Лучше подождать порядка 20–30 минут, и только тогда запивать съеденное.

**Спать**

Во сне в организме замедляются все процессы, в том числе и пищеварение. Вы не сможете полноценно отдохнуть, вдобавок проснетесь с тяжестью в желудке.





**Есть фрукты**

Кислоты, содержащиеся во фруктах, повлекут за собой процесс брожения в желудке и кишечнике, поэтому поглощенная еда не сможет перевариться. Фрукты и овощи лучше есть между полноценными приемами пищи, в качестве перекуса.

**Принимать водные процедуры**

Купание провоцирует увеличение кровотока к рукам, ногам, а также всей поверхности тела. Как следствие, кровоток в области желудка уменьшается, что негативным образом может отразиться на переваривании пищи.

**Проявлять активность**

Некоторые полагают, что если после еды немного походить, это поможет сжечь калории. Однако процесс пищеварения предусматривает активизацию кровеносной системы в области тех органов, которые принимали в нем непосредственное участие. Если не следовать рекомендации, уже спустя час вернутся слабость и чувство голода.



# КАК ИЗБАВИТЬСЯ ОТ ГОЛОВНОЙ БОЛИ БЕЗ ТАБЛЕТОК



**Здоровый сон**

Переутомление и недосып – частые причины возникновения головной боли. В этом случае, конечно же, нужно выспаться. На время сна желательно открыть форточку или предварительно проветрить помещение.



**Массаж**

Легкий массаж нужно начинать со лба и двигаться в сторону затылка, после чего перейти к ушам и шее.



**Ароматерапия**

Аромат лаванды помогает снять головную боль, расслабляя и избавляя от напряжения. Также можно использовать мятное масло, втирая его на протяжении 10 минут в кожу головы.

**Свежий воздух**

Отличное средство от головной боли, поэтому нужно открыть окна шире, а еще лучше пройтись. Как вариант, посидеть на балконе или крыльце.



**Теплая ванна**

Водные процедуры облегчают спазматические головные боли, снимают напряжение в шее и голове. Необходимо принимать теплую ванну с соком лимона, морской солью, лавандой, эфирным маслом мяты или майораном.



**Холодный компресс**

Поможет сузить кровеносные сосуды, уменьшая тем самым головную боль. Обернув несколько кубиков льда в полотенце, следует держать его по бокам головы и на шее в течение 10–15 минут.



**Вода**

Головная боль достаточно часто возникает из-за недостаточного количества жидкости в организме. Снять неприятные симптомы поможет стакан воды.

**Горячая еда**

Нерегулярное питание также бывает причиной головной боли, сказываясь на уровне глюкозы в крови. Поэтому когда болит голова, нужно съесть что-то горячее, к примеру, кашу или суп.

**Тихий час**

Чтобы избавиться от неприятных симптомов или существенно уменьшить их, в течение 10–15 минут нужно полежать в полной тишине, обязательно закрыв глаза и ничего не делая.



**Музыка**

Нежная и тихая музыка отвлечет от неприятных ощущений и уменьшит головную боль. Желательно, удобно расположившись, на протяжении 15–20 минут слушать музыку.

# 12 СПОСОБОВ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БАЛЬЗАМА «ЗВЕЗДОЧКА»



**Освежает воздух.** Чтобы освежить воздух в комнате, добавьте немного этого бальзама в увлажнитель.

**Смягчает пятки.** Нанесите тонкий слой средства на пятки, наденьте носки и оставьте его действовать в течение ночи. Затем вымойте ноги и удалите мертвые клетки кожи с помощью пемзы. Повторяйте ежедневно.

**Лечит головные боли.** Используйте этот продукт для лечения головной боли, наносите на лоб и виски.

**Предотвращает инциденты с животными.** Примените немного бальзама на места в доме, где питомец делает «свои дела», и его сильный запах предотвратит будущие неприятности.

**Отталкивает насекомых.** Коммерческие средства того же назначения часто изобилуют химическими веществами, поэтому используйте бальзам – его запах будет держать мух, комаров и других надоедливых насекомых в страхе.

**Лечит грибок ногтей.** Наносите средство на ноготь, пораженный грибковой инфекцией, ежедневно, каждую ночь перед сном.

**Уменьшает количество брюшного жира.** Раздавите таблетку камфоры, смешайте ее со спиртом, пищевой содой и бальзамом «Звездочка». Размешайте до однородного состояния и нанесите на живот. Оберните пищевой пленкой и оставьте на ночь.

**Предотвращает воспаление и инфекцию.** Порезы и раны могут легко нагноиться, поэтому нанесите небольшое количество мази на них, чтобы очистить их и ускорить процесс заживления.

**Оберегает мебель от вашей кошки.** Кошки обожают удобную мебель, и эта любовь иногда может стоить вам дивана. В этом случае оставьте бальзам близко к месту, которое ваша кошка любит царапать, и вы избавитесь от проблемы навсегда.



**Успокаивает боль в спине и мышцах.** Все, что вам нужно сделать, – втереть немного бальзама в пострадавшие участки тела, в скором времени это облегчит ситуацию.

**Избавляет от растяжек.** Нанесите эту мазь на участки, затронутые растяжками, и вы получите видимый эффект всего за две недели.

**Лечит синяки.** Нанесите бальзам на место синяка, чтобы он исчез в течение короткого времени.

*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

ИННОВАЦИИ

# ID-КАРТА ВМЕСТО ПАСПОРТА



**О преимуществах внедрения электронной системы личных данных и процессе получения идентификационных карт жителями Самаркандской области рассказал начальник Управления миграции и оформления гражданства УВД Самаркандской области полковник Даврон Норчаев.**

В области действует 20 пунктов обслуживания, три из них расположены в Самарканде, два – в Ургутском районе, что связано с густонаселенностью горного региона, в остальных – по одному. В среднем в сутки здесь принимают более 50 граждан, основная часть которых – шестнадцатилетние юноши и девушки.

По мнению руководства УМиОГ, обмен биометрических паспортов на ID-карты будет проходить в два этапа. Первый продлится с 4 января 2021 года по 31 декабря 2022 года. Электронное удостоверение личности будет выдаваться лицам, достигшим шестнадцатилетнего возраста, а также тем, кто потерял паспорт, поменял фамилию и т.д. Второй этап – с 1 января 2023 года по 31 декабря 2029 года. Карты будут выдаваться гражданам, у которых истек срок службы биометрического паспорта.

Одними из первых инновационные паспорта получили близнецы Сабина и Сабрина Нурмухаммедовы из города Самарканда, которым в ноябре прошлого года исполнилось 16 лет.

– Никаких сложностей у нас не возникло. Предоставили метрики и копии паспортов родителей, – говорят сестры. – Новый формат нравится, прежде всего из-за компактности и практичности. Нам объяснили, что есть еще масса преимуществ.

Это действительно так. ID-карта – не просто альтернатива обычному паспорту, у нее есть целый ряд преимуществ: высокий уровень защиты, удобство использования и хранения, большая устойчивость к внешним воздействиям, возможность использования при получении государственных услуг, интеграция с ЭЦП. К ней привязаны регистрация, фотография, электронная подпись и отпечатки пальцев. Она не порвется, не промокнет и позволит, наконец-то, не носить с собой кучу различных документов. Наличие внутри нее электронной начинки позволяет реализовывать множество вариантов использования карты в повседневной жизни. В скором времени ее можно будет применять для электронного подписания документов (при открытии счетов в банках или при получении госуслуг через тот же my.gov.uz) или для дистанционного голосования на выборах.



Срок действия карты, выданной новорожденному на срок до 1 года, составит 2 года. Карта, выданная ребенку на срок от 1 года до 16 лет, будет действовать 5 лет, лицу, от 16 лет и старше, – в течение 10 лет.

Карта действительна только внутри страны. Для выезда за границу узбекистанцам нужен биометрический загранпаспорт.

За оформление ID-карт будет взиматься государственная пошлина – 89 % от базовой расчетной величины (198 тысяч сумов).

В настоящее время в Самаркандской области выдано уже более 450 ID-карт, не только соотечественникам, но и иностранцам и лицам без гражданства, постоянно проживающим в стране.

Вне очереди обслуживаются ветераны Второй мировой войны и приравненные к ним лица, беременные женщины, дети и люди с инвалидностью.

Для создания дополнительных удобств населению в воскресные дни, по графику, сотрудники управления продолжают принимать граждан, выдавать готовые паспорта. Работа не останавливается.

**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**
*Самаркандская область.*

## ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

2021 йил 20 январь кунидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси ва тизимларидаги бўш лавозимларга тор доирадаги номзодлар танлови ўтказилиши режалаштирилган. Мазкур танловда тиббиёт, иқтисод, психолог, ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича мутахассисликларга эга бўлган олий маълумотли номзодлар иштирок этишлари мумкин. Ички ишлар органлари сафига номзодлар танлови Ички ишлар вазирлигининг хизматга қабул қилиш бўйича амалдаги меъёрий буйруқлари талаблари асосида амалга оширилади.

Мурожаат учун телефонлар: 71-291-59-02, 71-291-69-50.

**ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси.**

ВНУТРЕННИЙ ТУРИЗМ

# ОТДОХНУЛИ И НАБРАЛИСЬ ВПЕЧАТЛЕНИЙ



По инициативе руководства ГУВД Ташкентской области, в целях обеспечения полноценного досуга и отдыха молодежи 100 детей из малообеспеченных семей, а также семей, состоящих на профилактическом учете, из городов и районов области были приглашены на экскурсию в одну из живописных зон отдыха Бостанлыкского района.

Чистый горный воздух, красивая природа, веселье и развлечения – все это стало замечательным поводом для заряда бодрости и отличного настроения. Дети развлекались, играя в зимние игры, совершали конные прогулки, катались на квадроциклах, с увлечением осматривали местные красоты и достопримечательности с высоты канатной дороги.

За безопасностью юных экскурсантов следили сотрудники Управления по обеспечению безопасного туризма ГУВД Ташкентской области, так что обошлось без нештатных ситуаций.



По окончании экскурсии блюстители правопорядка развезли по домам детей, отлично отдохнувших и набравшихся впечатлений.

**Улугбек ВАФОЕВ,**
**подполковник.**







БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ



# ШЕРЮРАК МАНГУБЕРДИ

*Бизнинг танимизда Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд каби боболаримиз қони оқмоқда. Биз шунга муносибмиз ва бу муносибликни ҳар дақиқада бутун халқимизга, жаҳон аҳлига тараннум қилишга шошилишимиз керак!*

*Шавкат* **МИРЗИЁЕВ**

Ҳар бир халқнинг ўз қаҳрамонлари бўлади. Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонларча курашиб, жонини фидо қилган довюрак саркарда Жалолиддин Мангуберди тарихда ўчмас из қолдирган ана шундай миллий қаҳрамонимиздир.

Унинг тўлиқ исми Жалолиддин ибн Аловуддин Муҳаммад бўлган. 1198 йилда таваллуд топган. Отаси хоразмшоҳлар мамлакати ҳукмдори Султон Аловуддин Муҳаммад, онаси эса Ойчечак бўлган.

Шерюрак баҳодир Жалолиддин Мангуберди нафақат Ватан озодлиги ва халқ манфаати йўлида курашган саркарда, балки ислом динини муносиб ҳимоя қилган буюк эътиқод эгаси ҳамдир. Унинг жасоратига Чингизхондай ёвуз босқинчи ҳам лол қолиб, мардлигини тан олгани тарихдан маълум. Жалолиддин Чингизхонга илк бор 19–20 ёшларида рўбарў келган. У 32–33 ёшида вафот этган бўлса, демак, ҳаётининг 11–12 йили мобайнида 48 та жанг кўрган.

Чингизхон қўшинлари ўз юришларида биринчи бор Жалолиддиннинг лашкарларидан енгила бошлаган. Жумладан, тўрт муҳорабада саркарда томонидан мўғул қўшинига қақшатқич зарба берилган. Ўша даврда Чингизхон кўплаб мамлакатларни забт этишга улгурганди. Айниқса, мусулмон халқларида ушбу мўғул қўшинига қарши туриб бўлмайди, улар яъжужмаъжужлар, деган тушунча пайдо бўла бошлаганди. Жалолиддин Мангуберди мана шу қарашни йўққа чиқарди. Чингизхонга қарши курашиш, унинг лашкарини мағлуб этиш мумкинлигини исботлади. Қалбларда эртанги кунга умид гулханини ёқди. Халқларда ғайрат-шижоатни уйғотди. Бу ниҳоятда улуғ жасорат, жуда катта қаҳрамонлик эди.

Энг муҳим жиҳат шуки, Жалолиддин Мангубердининг бошига не бир мусибат тушмасин, фақат ва фақат Ватан деди, унинг истиқлолини, истиқболини ўйлади. У Хоразмшоҳлар вакили сифатида бошқа ҳукмдорлардан паноҳ сўраши, ўз жонини хатарга қўймасдан бирор саройда яшаб ўтиши ҳам мумкин эди. Бироқ бундай қилмади, озодлик, ҳурлик йўлида курашди: бутун ер юзини титратиб турган Чингизхоннинг кўзига тик боқди, душман устига от сурди. Ватан озодлиги йўлида қон ютди, қон тўкди, жон олди, жон берди. Жасорат ва мардлик тимсоли, қаҳрамон саркарда Жалолиддин Мангуберди мангуликка дахлдор буюк аждодимиздир!

## ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР:

▶ Жалолиддиннинг бурнида холи (манк) бўлгани учун Манкбурни номи билан аталган. Кейинчалик бу ном талаффузда ўзгариб, «Мангуберди» номи билан машҳур бўлиб кетган.

▶ Жалолиддин Мангуберди ҳақида унинг шахсий котиби, тарихчи Насавий шундай ёзади: «Жалолиддин қорачадан келган, ўрта бўйли, турк лафзли одам эди. Форс тилини ҳам яхши биларди. Унинг ботирлигига келганда шуни айтиш кераккки, султон арслонлар орасидаги энг кучли шер эди. Бир сўзли, кек сақламайдиган, очиқ кўнгил, тўғри одам эди. У жиддий шахс эди. Ҳеч қачон кулмасди. Жуда нари борса, жилмайиб қўярди. У адолатсизликларни ёмон кўрарди. Жалолиддин ўта қатъиятли, ниҳоятда иродали, мураккаб вазиятларда, тақдирнинг қалтис синовларида ўзини йўқотиб қўймайдиган фавқулодда мард ва ботир саркарда эди».

▶ Жалолиддин Мангуберди вояга етгач, отаси уни Ғазна, Бомиён, Ғур, Буст, Такинобод, Заминдовар ва Ҳиндистон ҳудудларигача бўлган ерларга ҳоким ва тахт ворисы этиб тайинлайди. Бироқ Туркон хотун ва қипчоқ амирларининг қатъий норозилиги сабабли Қутбиддин Ўзлоқшоҳ фойдасига ворисликдан маҳрум этилган. Жалолиддин Мангуберди отасининг ҳарбий юришларида иштирок этиб, ўзининг жасур жангчи, иқтидорли саркарда сифатида намоён этган.

▶ У Валиён қалъасини қамал қилаётганда Такажук ва Малғур бошчилигидаги мўғул қўшинига ҳужум қилиб, уч кунлик жангдан сўнг уларни тор-мор келтиради. Бу унинг мўғуллар устидан қозонган дастлабки йирик ғалабаси эди.

▶ 1221 йили Синд (Ҳинд) дарёси бўйида Чингизхон қўшинларининг илғорини тор-мор келтиради. Бироқ кучи озлиги сабабли чекинади ва дарёнинг ўнг соҳилига сузиб ўтиб, чўл ичкарисига кириб кетади. Унинг бу жасоратидан ҳайратда қолган Чингизхон ўз ўғилларига қараб: «Ота ўғил мана шундай бўлиши лозим!» деган. Бу чўл ҳозир ҳам Чўли Жалолий деб аталади.

▶ 2000 йили «Жалолиддин Мангуберди» ордени таъсис этилди. Мазкур орден билан мамлакатимиз мустақиллигини, Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишда юксак ҳарбий маҳорат намунасини, қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган ҳарбий хизматчилар мукофотланадилар.

▶ Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан мамлакатимизда 2021 йилнинг ноябрь ойида Жалолиддин Мангубердига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш режалаштирилган.

Адолат **ФАЙЗИЕВА** тайёрлади.

Postda
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –
mayor Azizjon FAYZIYEV
katta leytenant
Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Jahongir SHAROFBOYEV
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –
Sherzod ABDUSAMADOV
Georgiy PETROSYAN

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

9 772010 535001

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001.
Bank kodi 00420.
ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali.
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4531.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 51 861 nusxada chop etildi.
Obuna raqamlari:
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.